Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 94 (3595)
25 СЕШАНБА АПРЕЛЬ 1978 й.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Яшасин Коммунистик партиянинг ишончли ёрдамчиси ва жанговар резерви, коммунизм ёш бунёдкорларининг илғор отряди—Ленин комсомоли!

(КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан).

БУГУН ВАТАНИМИЗ ПОЙТАХТИ—МОСКВАДА ВЛКСМ XVIII СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

ЁШЛАРНИНГ МАҲОРАТИ ВА ИЗЛАНИШИ—БЕШ ЙИЛЛИККА

ВАХТА ТУГАДИ, ВАХТА ДАВОМ ЭТАДИ

«Таштекстильмаш» заводи ёшлари ВЛКСМ XVIII съездига бағишланган зарбдор 18-вахтани муваффақиятли ўтказди. Барча жойларда ишчанлик вазияти ҳукм сурди.

3-механика-йиғув ва бошқа цехларнинг ёш ишчилари, халқ истеъмоли буюмлари цехининг комсомоллари съезд олди мусобақасига актив қўшилдилар.

Корхона комсомол комитети вахтани якунлаб 3-механика цехида А. Ботиров бошлиқ комсомол-ёшлар бригадасини ғолиб деб топди. Бригада яқиндагина ташкил этилган эди. Лекин у қисқа муддатда илғорлар сафидан жой олди. Коллектив ҳар ойда планга қўшимча 100 га яқин тўқув машиналари қисмлари тайёрлаяпти.

Цехнинг ёш ишчилари — фрезерчи А. Бояркин, силлиқловчи Л. Жаъфаров, электромонтёр Д. Қорабоев ва кўплаб бошқа ишчилар аъло ишлашяпти.

Шуниси ажойибки, шу цехнинг комсомол ташкилоти вакили О. Исломов завод комсомол ташкилотидан ВЛКСМ XVIII съездига вакил бўлиб боради. Олим цех комсорги, социалистик мусобақа етакчисидир. У беш йиллик топшириғини тўрт йилда бажариш мажбуриятини олди. Ҳозир 1979 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Съезд арафасида О. Исломов ҳаётида яна бир қувончли воқеа бўлди. Унга шахсий тамға билан ишлаш ҳуқуқи берилди. Олим пайвандлаш ва фрезерлик касбларини эгаллаб, фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

Кенг истеъмол буюмлари цехи коллективининг ярмидан кўпи ёшлардир. Съезд олди вахтаси ғолиблари қаторида бу ерда токарь С. Аметов, слесарь Н. Мустафаев, мастер В. Жаворонков бригадаси, яқиндагина ташкил этилган рақамли программа билан бошқариладиган станоклар участкасининг мастер С. Степанян бошлиқ комсомол-ёшлар коллективини тилга олишади.

Ҳа, мусобақа ташкилотчиларига илғорларни аниқлаш осон бўлмади. Барча цехларда ёшлар бригадалари бор. Уларнинг ҳар қайсиси ажралиб туради.

Съезд олди вахтасида шахсий меҳнат беллашуви қатнашчилари— силлиқловчи Л. Жаъфаров, қолипловчи В. Арехин, ёш инженер, актив рационализатор М. Бутовский ғолиб чиқишди.

— 18 зарбдор вахта эстафетаси ниҳоясига етди. Лекин ишчанлик вазияти жўш урмоқда. Социалистик мусобақа тобора авж олмоқда. ВЛКСМ XVIII съезди ўтаётган кунларда «Таштекстильмаш» ёшлари юксак унум билан ишлашга аҳд қилдилар, —деди «Таштекстильмаш» заводи комсомол комитети секретарининг ўринбосари Ю. Супрунов — олдинда эса Ленин комсомоли 60 йиллиги турибди. Бу шонли санани ёшларимиз зарбдор меҳнат, барча ишларда юксак активлик билан нишонлашга қизғин тайёргарлик кўришяпти. Комсомол вахтаси давом этмоқда...

«Тошкент оқшоми» газетасининг коллектив мухбири —«Таштекстильмаш» заводининг «Машиностроитель» газетаси редакцияси.

СУРАТДА: 3-цех комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи А. Ботиров ва бригаданинг энг яхши пармаловчиси Л. Кашнина.

В. Ковреин фотоси.

ҲАМИША ПОСТДА

В. И. Ленин номли Қизил Юлдуз ва жанговар Қизил Байроқ орденли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсантлари ВЛКСМ XVIII съездининг очилишини жанговар ва сиёсий тайёргарлик соҳасида янги муваффақиятлар билан кутиб олдилар.

Бизнинг кўп миллатли аҳил билим юртимизда жанговар биродарлик ва дўстликнинг шонли анъаналари ҳурмат билан давом эттирилмоқда. Бу анъаналар бир-биримизни ҳурмат қилишга, талабчан бўлишга, сидқидилдан билим олишга даъват этади. Жанговар дўстликдан ҳам шарафли нарса йўқ. Бу ўзининг самараларини бермоқда. Бизнинг взводимиз Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада ғолиб чиқди. Комсомоллар анжумани олдидан бўлинмамиз жанговар тайёргарликда янги муваффақиятга эришди.

Р. ХАНДИН,
курсант.

Мақсад аниқ бўлса...

«ВЛКСМ XVIII СЪЕЗДИГА —18 ЗАРБДОР ҲАФТА» ВАХТАСИНИНГ ҒОЛИБИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Йигитча ўзини катталардек вазмин тутишга ҳаракат қиларди. Аммо унинг болаларга хос кўзларигина бундан бир ой муқаддам мактабни битириб ўрта маълумот тўғрисида аттестатни олган ва ҳозир авиация заводининг ҳовлисига биринчи бор қадам қўйган ўқувчини ошкора этиб турарди...

Йиғув цехи уни ҳайратда қолдирди. Наҳотки мана шу қанотсиз, шунинг учун ҳам ҳеч «пўлат қуш»ни эслатмайдиган машина «Антей» бўлса. Бу самолётнинг осмонда эркин парвоз қилиб бораётганини бир неча марта у ҳавас билан кузатган.

...«Антей» самолётлари завод учун тарих бўлиб қолган. Уларнинг ўрнига ҳозир бошқа, янада такомиллашган машиналар ишлаб чиқарилмоқда. Аммо ўша биринчи кун, Тошкент самолётсозларининг меҳнати сингган заводдаги ҳаво лайнери билан биринчи учрашув Валерий Малихнинг хотирасида абадий сақланиб қолди.

Ишлаб чиқаришга келган одамларнинг тақдири ҳар хил бўлади. Ўз касбини ҳам у тез топа олмаслиги мумкин. Валерийнинг орзуси самолётларни ясаш. Бу шунчаки айтилган чиройли гап эмас. Бунда мустақил ҳаёт йўлининг бошланишида танланган йўлга садоқат ўз ифодасини топган.

У аввалига шогирд бўлди, Совет Армияси сафларида хизмат қилди, самолётсозлик техникумини (кечки бўлимида) ўқишни бошлади, назоратчи бўлди, «аъло» баҳо билан дипломини ёқлади, ишлаб чиқариш мастери бўлди... У ўз фаолиятида ана шу босқичларни босиб ўтди. Валерий Малих мақсади сари дадил олға интилди. Кун сайин, қадам сайин билим ва тажрибаси ошганидек, маҳорати ҳам ошиб борди.

...Биринчи марта Валерийни мен цех комсомолларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида учратдим. У лўнда, чуқур мулоҳазали нутқ сўзлади. Шунинг учун уни комсомол ташкилотининг секретари қилиб сайлаганларида ҳеч ажабланганим йўқ. Унинг янги бюро олдида сўзлаган нутқи ҳам ёдимда: «Ишончингиз учун раҳмат. Бирга ишлаймиз. Фақат олдиндан келишиб олайлик — осойишта ҳаёт кечирамиз, деб умид қилманг. Хотиржамлик бўлмайди...», деган эди ўшанда у.

Шундай хотиржамлик бўлгани йўқ. Комсомол ташкилотчисининг иш услуби комсомол бюросининг фаолиятида ҳам намоён бўла бошлади.

Ташкилотнинг ҳар бир аъзоси учун вақт топиш жуда қийин. Юздан зиёд йигит ва қиз комсомол аъзоси. Бу вазифани бюро муваффақиятли ҳал этди: тўртта мустақил комсомол группаси ташкил этилди. Эндиликда ҳар бир ташаббус қисқа вақт ичида ҳамма комсомолларга маълум бўлади.

Цехда умумий мажбурий ўрта таълим проблемаси ҳал этилган деса бўлади. Бунда ишчи-ёшлар мактабида билим олаётган ишчиларнинг, техникум ва институтларда ўқиётган студентларнинг эҳтиёжи билан мунтазам қизиқадиган комсомол бюросининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Партия ташкилотининг секретари Иван Андреевич Макаров билан бўлган навбатдаги суҳбатдан сўнг В. Малихнинг ён дафтарида бир қатор фамилиялар қаршисида «КПСС аъзолигига кандидатликка қабул қилиш тўғрисида суҳбатлашиш лозим» дейилган ёзув пайдо бўлади. Айтмоқчи, комсорг ўз ён дафтарини «менинг хотирам» деб атайди. Кичкинагина эскирган дафтарчада қайд этилган белгилар, фамилияларнинг саноғи йўқ. Буларнинг ҳаммаси бажарилган ишлар, ёни олдида турган вазифалар ҳақида ҳикоя қилади. «Партия ташкилотчиси, цех бошлиғи билан маслаҳатлашиб кўриш керак» деган ёзув тез-тез учрайди. Бу цех комсомол ташкилотининг фаолияти кучайиб бораётганлигидан, уларнинг ташвишлари бутун коллективнинг ташвишлари билан чамбарчас эканлигидан далолат беради.

...Корхона комсомол комитети ҳузуридаги социалистик мусобақа штабининг қарори билан Валерий Малих В. П. Чкалов номли бирлашмада «ВЛКСМ XVIII съездига— 18 зарбдор «ҳафта» шиори остида ўтган зарбдор вахтанинг ғолибларидан бири деб топилди.

Л. ДЕРГУНОВА.

СУРАТДА: цех комсомол ташкилотининг секретари Валерий Малих (чапда) ёшлар ўртасида.

А. Иванова фотоси.

• Район советларининг сессияси

Хатга эътибор — элга эътибор

КПСС XXV съезди қарорлари асосида меҳнаткашлар хатлари, аризалари, шикоятлари билан ишлаш ва уларни қабул қилишни янада такомиллаштириш тўғрисида»-ги масала халқ депутатлари Ҳамза район Советининг БУГУН бўлиб ўтган сессиясида муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан район ижроия комитети раиси Ж. Шаҳбозов доклад қилди.

Шундан кейин сессия қатнашчилари савдо ва умумий овқатланиш бўйича доимий комиссиянинг фаолияти тўғрисида шу комиссия раиси Н. А. Сайдивалиевнинг, шунингдек район ижроия комитети раиси ўринбосари Б. М. Зиёвуддиновнинг наказларнинг бажарилиши тўғрисидаги ахборотларини тингладилар.

Иқтисодий билим—оммага

Халқ депутатлари Ленин район Советининг БУГУН район партия комитетининг мажлислар залида бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида район ижроия комитети раиси ўринбосари С. А. Шабаева «КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорлари асосида районнинг умумий таълим мактабларида, мактабгача ёшдаги болалар ҳамда мактабдан ташқари муассасаларда ўқув-тарбиявий ишлар сифат ва самарадорлигини янада ошириш тадбирлари тўғрисида» доклад қилди.

Район ижроия комитети раисининг ўринбосари Ж. Ю. Мақсудов сайловчилар томонидан СССР, Ўзбекистон ССР Олий Советларининг ҳамда маҳаллий Советларнинг депутатларига берилган наказларнинг бажарилиши тўғрисида; ёшлар билан ишлаш доимий комиссия раиси Ч. А. Адабаш ана шу комиссия фаолияти ҳақида сўзлаб беришди.

Хизмат маданиятини ошириб

Октябрь район партия комитетининг мажлислари залида БУГУН бўлиб ўтган халқ депутатлари район Советининг сессиясида район аҳолисига савдо ва умумий овқатланиш хизмати маданиятини янада ошириш масаласи кун тартибига биринчи қилиб қўйилди. Бу ҳақда район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Хилолов доклад қилди.

Сессия қатнашчилари сайловчилар томонидан берилган наказларнинг бажарилиши тўғрисида ижроия комитет раиси В. П. Песков ҳамда маданият ва санъат бўйича доимий комиссия фаолияти тўғрисида депутат Э. Бойсенов берган ахборотларни тинглашди.

Сессияларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҚАРДОШЛИК ВА ОЗОДЛИК КУЙЧИСИ

Тошкентда 24 апрелда тожик адабиётининг асосчиси ва ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири, кўзга кўринган олим, жамоат арбоби Садриддин Айний туғилган куннинг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР Давлат опера ва балет академик Катта театрида меҳнаткашларнинг намояндалари, ёзувчилар ва олимлар, санъат арбоблари тўпландилар. Юбилей тантанасида қатнашиш учун Тожикистондан делегация, бошқа қардош республикалардан меҳмонлар келишди.

Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг президенти, академик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони О. С. Содиқов кечани очди.

Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони К. Яшин Садриддин Айнийнинг ҳаёти ва ижодий йўли тўғрисида доклад қилди.

Тантанали кечада Тожикистон ССР Фанлар академиясининг президенти. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси М. С. Осимов, «Звезда Востока» журналининг бош редактори Г. П. Владимиров, Бошқирдистон АССР халқ шоири, Давлат мукофоти лауреати Мустай Карим, кабарда-балкарлик машҳур ёзувчи, РСФСР давлат мукофотининг лауреати Танзила Зуманова, Қорақалпоғистон ёзувчилар союзининг раиси И. Юсупов Айний тўғрисида астойдил миннатдорчилик ва унга ҳурмат-эҳтиром сўзларини изҳор этдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар Садриддин Айний саховатли ва ранг-баранг истеъдодини таъкидлаб ўтдилар.

Кечада ўз асарларини тожик ва ўзбек тилларида яратган ёзувчи С. Айнийнинг ижодиёти эндиликда жаҳон адабиётининг мулки бўлиб қолганлиги таъкидлаб ўтилди. Унинг китоблари совет республикалари халқларининг ўнлаб тилларига, шунингдек инглиз, немис, француз, араб, хитой ва кўпгина бошқа тилларга таржима қилинган. Айнийнинг инсонга астойдил меҳр-муҳаббат билан тўлиб—тошган китоблари бугунги кунда унинг иззат-ҳурмати ва эркинлиги учун, адолатсизлик ва зулмга қарши, жаҳонни революцион ўзгартириш учун курашга даъват этмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолари И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев тантанали кечада иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

★ Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг XVIII съездига табриги эълон қилинган.

★ Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети республикамиз ўқитувчилари V съездининг делегатларини ва улар орқали Ўзбекистон ўқитувчиларининг бутун кўп минг кишилик шонли отрядини қизғин табриклайдилар.

★ Социал таъминот органлари ходимлари ва активларининг шаҳар меҳнаткашлари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида 24 апрель куни Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши совет давлат социал таъминот системасининг 60 йиллигига бағишланди.

★ СССРда Франция кунлари 24 апрелда Тошкентда якунланди.

Актив йиғилиши

Ленин район партия комитетида район партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Сибирь ва Узоқ Шарқ районлари бўйлаб сафари пайтида айтган кўрсатмалари ва тавсиялари асосида район партия ташкилотларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Ленин район партия комитетининг биринчи секретари И. И. Федоринов доклад қилди.

Актив йиғилишида Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари Т. Ф. Солдатов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала бўйича қарор қабул қилинди.

БУГУН САНЪАТ САРОЙИДА РЕСПУБЛИКА ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ V СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ.

Унинг қатнашчилари Ўзбекистон ССР маориф министри С. Ш. Шермуҳамедовнинг КПСС XXV съезди қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим-тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида умумтаълим мактаблари ишини янада такомиллаштириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги докладини муҳокама қилишяпти.

Шонли ўқитувчиларимизга алангали салом!

Бизнинг бутун ҳаётимиз мактаб билан боғлиқ. Аввал унда ўзимиз ўқиймиз, кейин фарзандларимиз ва невараларимиз билим олишади. КПСС XXV съезди томонидан олға сурилган — ўсиб келаётган ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишлари сифатини оғишмай ошира боришдек муҳим вазифа мактаблар томонидан қанчалик муваффақиятли амалга оширилаётганлигини ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз.

Ўзбекистон ўқитувчиларининг IV съездидан кейин ўтган даврда республикамизда халқ маорифи соҳасида бир мунча ютуқларга эришилди.

Ана шу ўтган йилларнинг энг муҳим якунларидан бири — умумий мажбурий ўрта таълимга ўтишнинг ниҳоясига етказилганлигидир. Кейинги тўрт йил мобайнида умумий ўрта таълим мактабларида 930 мингдан кўпроқ ўғил ва қиз ўрта маълумот олди.

Ўқитувчиларнинг бугун очилган V съездида халқ маорифи ходимлари ўз олдиларида турган вазифаларни муҳокама этадилар, иш тажрибаларини ўртоқлашадилар. КПСС XXV съезди қарорлари, СССР Конституциясининг умумий мажбурий ўрта таълим тўғрисидаги ҳолати, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига таълим, тарбия беришни ва уларни меҳнатга тайёрлашни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида ўқув-тарбиявий ишлар жараёнини янада такомиллаштириш, ўқувчиларни аҳлоқий тарбиялаш, ўқитувчилар тайёрлаш ҳамда уларнинг малака даражаси сифатини ошириш, касб танлашни яхшилашнинг йўл-йўриқларини белгилаб оладилар.

ЮКСАК БУРЧ

Мактаб билан хайрлашганимга кўп вақт бўлди. Аммо ҳар сафар мактаб остонасига қадам қўяр эканман ёруғ, қувончли эсдаликлар қуйилиб келаверади. Чунки, шу ерда мен Алифбени ўқишни ўргандим. шу ерда мураббийларимиз орзу қилишга, билимларни эгаллашга. меҳнатсевар бўлишга ўргатишган. Энди улар фарзандларимизни ўргатишмоқда.

Яхши мактаб йиллари изсиз йўқолмайди, қиймат меъёри сифатида ҳамиша инсон билан қолади. Бизнинг болалигимиз эса революциядан кейинги дастлабки йиллар қийинчиликларига қарамай ажойиб бўлди. Бу ҳақда Иван Иванович Ратишченко — унинг тавсияси билан мен Карл Маркс номли педагогика техникумида математикадан дарс бера бошладим, менда химияга қизиқиш уйғотган Асан Муртазаевич Муртазаев. Шорасул Зуннун каби ўқитувчиларимиз ғамхўрлик қилишди. Ўқитувчиларга миннатдорчилик ҳисси қалбимда ҳамиша қолади. Улар бизни ҳалол ва меҳнатсевар бўлишга ўргатишди. Бу фазилатлар кейинчалик менга илмий-тадқиқот ишларимда ёрдам берди.

«Ўқитувчи, номинг олдида тиз чўкишга рухсат эт», деб ёзган эди Некрасов. Бу ажойиб сўзларни менга сабоқ берганлар учун, ҳозир ўсиб келаётган ёш авлодга сабоқ бераётганлар учун қайта ва қайта такрорлайман.

С. ЮНУСОВ,
Ўсимлик моддалари химияси институтининг директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ҲАР БИР ЎҚУВЧИГА—ПУХТА БИЛИМ

Коммунистик эътиқод, коммунистик аҳлоқ, меҳнатга коммунистик муносабат, актив ҳаётий позиция — гражданларимизнинг асосий хусусиятларидир, бу хусусиятларнинг шаклланишида мактаб катта роль ўйнайди.

Мактабимиз педагоглар коллективи ўқувчиларга чуқур ва пухта билим бериш учун бутун чораларни кўрмоқда. Уларни асосий фанларни ўрганиш жараёнида тарбиялашга ҳаракат қиляпмиз. Дарс пайтидаги тарбиявий иш шундан иборатки, ҳам бурч ҳам дарсга ички қизиқишни меҳнатга ижодий қизиқиш билан бирга тарбиялашдан иборат. Ўқитувчи дарс жараёнида марказий фигура бўлиб. унинг гражданлиги, юксак бурч ҳиссиёти ва ижодий атмосфера катта роль ўйнайди. Тажрибали ўқитувчилар И. А. Дорфман, К. Г. Муҳаммаджонова, К. М. Кнохинова, В. И. Шинд, В. Ф. Маркеева ва бошқалар дарсларини шу тахлитда олиб борадилар.

Жумладан, физика ўқитувчиси Кира Григорьевна Муҳаммаджонова ихтисослаштирилган физика синфларининг ўқувчилари билан қизиқарли ишларни олиб бораяпти. Унинг ўқувчилари Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг С. В. Стародубцев номидаги физика-техника институтида тез-тез бўлишади. «Атом ядросини эркин куклонлар системаси деб қараш мумкинми», «Фотохронизм» ва фотохром материаллар» каби ишларни Кира Григорьевнанинг ўқувчилари бажаришган.

Ўқувчилар ўз тадқиқотларининг натижалари ҳақида мактаб илмий жамиятининг мажлисларида, «Меҳнат, қобилият, истеъдод» шаҳар конференцияларида, физика-математика мактабларининг Бутуниттифоқ слётларида ва «Фан, техника, ишлаб чиқариш» республика семинарларида докладлар қилишади. ТошДУ физика факультетининг студентлари мактабда тез-тез меҳмон бўлиб туришади. Улар тўгаракларни олиб боришади, олимпиадалар, олимлар билан учрашувлар ўтказишади.

Ўқувчиларнинг ижодий активлиги ривожланишига мактабдаги ўқувчиларнинг илмий жамияти ҳам ёрдам беряпти. Унинг аъзолари Горький, Москва, Ленинград, Тбилисидаги слётларнинг, Москвадаги фан ва техника кунларининг, мамлакатимиз олий ўқув юртлари ўтказадиган олимпиадаларнинг, «Квант» журнали конкурсларининг актив қатнашчиларидир. Математика ва физика секцияларининг аъзолари тадқиқот, реферат характеридаги ишларни ёзишади, МДУнинг сиртқи физика-математика мактабида шуғулланишади.

Педагогларимиз болаларнинг қизиқишини кенгайтиришга, ўз фанига ижодий ёндошишига ҳаракат қилишади. Советлар мамлакатининг граждани, коммунизмнинг актив қурувчисини тарбиялашга ҳаракат қилишади. Бугун ўз ишини бошлаган ўқитувчиларнинг. республика съезди илғорлар тажрибасини умумлаштириб. таълим-тарбия ишларини янада яхшилаш йўлларини белгилайди.

С. АБДУРАҲМОНОВА,
110-мактаб директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи.

СЪЕЗДГА РАПОРТ БЕРАМИЗ!

Зарбдор меҳнат, юксак активлик билан

ТОШКЕНТ ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИ, ВЛКСМ XVIII СЪЕЗДИНИ АНА ШУНДАЙ КУТИБ ОЛДИЛАР. БУ ҲАҚДА ШАҲАР КОМСОМОЛ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ Ш. НУСРАТОВ ШУНДАЙ ҲИКОЯ ҚИЛАДИ.

ВЛКСМ XVIII съезди барча совет ёшлари учун жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган воқеадир. Бу съезд Бутуниттифоқ Ленин комсомоли 60 йиллиги йилида ўтаётганлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга. Барча совет ёшлари сингари Тошкент шаҳар комсомол ташкилоти ВЛКСМ XVIII съездини партиямиз белгилаб берган режаларни амалга ошириш учун курашнинг олдинги сафларида кутиб олди. Пойтахт ҳар бир ёш меҳнатчиси социалистик мусобақада актив қатнашиб, съездни муносиб кутиб олишни ўзи учун шараф деб билди. Комсомоллардан Е. Коростиченко, Е. Адамова, Тошкент трактор, «Миконд» заводлари, Тошкент тўқимачилик комбинати комсомол ва ёшлари бошлаб берган ташаббус кенг оммалашиб кетди. Унга 350 мингдан зиёд йигит-қизлар қўшилди. 14 минг ёш ишчи «ВЛКСМ XVIII съездига — 18 зарбдор ҳафта» шиори остида мусобақалашиб, комсомол съезди очилган кунгача ярим йиллик топшириқни бажарди. Ғолиблар сафида қишлоқ хўжалик экономикаси институти илмий ходими М. Хўжаев, Тошкент тўқимачилик комбинати мастер ёрдамчиси А. Субботин, «Миконд» заводидан Н. Тагирова бошчилик қилаётган комсомол-ёшлар бригадаси коллективи ва кўплаб бошқалар бор.

Съезд делегатлари орасида Ўзбекистон пойтахти комсомол ташкилотларидан вакил бўлиб борган ишлаб чиқаришнинг ёш илғорлари, олимлар, спортчилар, студентлар бор. Уларнинг номлари зарбдор ҳафта ғолиблари сифатида республика Ҳурмат тахтасига ёзилган. Улар— Тошкент заргарлик заводи бригадири, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Абдурашид Ғаниев, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси иқтисод институтининг сектор мудири Пўлат Носиров, «Баҳор» ансамблининг солисти Маъмура Эргашева, Низомий номидаги Тошкент педагогика институтининг студенти, Ленин комсомоли стипендиати Феруза Саидалиева ва Тошкент авиабўлинмаси экипаж командири Сергей Седов ва бошқалар бор.

Тошкент метросининг муддатидан илгари ишга туширилгани учун юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган машҳур қурувчилар орасида съездолди зарбдор ҳафта мусобақасининг бир неча бор ғолиби бўлган комсомол-ёшлар бригадири Г. Люстер ҳам бор. Унинг бригадаси ҳозирги кунда СССР Конституцияси бир йиллигини муносиб кутиб олиш ташаббусини қизғин қўллаб, беш йилликнинг уч йили планини 7 октябргача бажармоқчи.

Шаҳар илмий-техника интеллигенцияси ёш вакиллари халқ хўжалигини ривожлантиришга ижодий ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси кибернетика (ҳисоблаш маркази) институти, физика-техника институти, «СредазНИИНП», ИГРНИГМ, электроника институтининг ёш олимлари ҳозирги кунда «Ишлаб чиқаришга илмий-техника ютуқларини жорий этишга комсомол ғамхўрлиги» шиори остида ишламоқдалар. Барча жойларда пост ва штаблар тузилди. Шаҳарда 200 дан зиёд ёш олим ва мутахассислар советлари ташкил этилди ва муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Студентлар ва ўқувчилар ҳам кўпгина шонли ишларни амалга оширмоқдалар. ВЛКСМ XVII съездидан сўнг ўтган йилларда студент қурилиш отрядларида пойтахтнинг 34 мингдан зиёд йигит-қизлари меҳнатда чиниқдилар. Пойтахтнинг 4,5 мингдан зиёд студенти бирлашган отрядлар шу кунларда Ленин комсомоли навбатдаги юбилейи шарафига учинчи меҳнат семестри зарбдор вахтасида ишлашга тайёргарлик кўрмоқда.

Юқори синф ўқувчилари меҳнат бирлашмалари шаҳарнинг 150 минг ўқувчиси учун фидокорона меҳнатга тайёргарлик синови бўлмоқда. «Бутун синфимиз билан ҳунар-техника билим юртига борамиз», «Ҳаммамиз заводга бориб ишлаймиз» дейишмоқда кўплаб битирувчи синфларнинг ўқувчилари. 2 мингдан зиёд ўқувчи яқинда мактаб битирувчиларининг шаҳар слётида қатнашиб, ишлаб чиқаришга ва ҳунар-техника билим юртларига бориш истагини билдирдилар.

Мамлакатимиз ёшларининг бирлиги ва жипслиги, ўз мустақиллиги учун курашаётган мамлакатлар ёшлари билан бирдамлик, ўз меҳнати, ўқиши ва ижоди билан жонажон Ватанимиз шон-шуҳратини ошириш намунаси ВЛКСМ 60 йиллигига ва Гаванада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XI жаҳон фестивалига бағишланган «Биз— ватанпарвар, интернационалистламиз» шаҳар фестивалида ёрқин намоён бўлди. Фестиваль «Ўз касбининг энг яхши ёш ишчиси» фахрий номини олишга сазовор бўлган ёш ишчиларни аниқлади. Улар орасида бўёқчи Рамиз Зубайров, ғишт терувчи Юрий Голуб, сувоқчи Эльгиза Амирова, пайвандчи Сергей Зубов ва кўплаб бошқалар бор. Тошкентда биринчи марта мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, техникумларнинг интернационал дўстлик клублари слёти ўтказилди. Бунда клуб аъзолари ўз ишлари ҳақида ҳисобот бердилар. Фестиваль ўтказилган даврда интернационал дўстлик клублари юздан ошди. Ўз сафига 20 мингдан зиёд кишини бирлаштирган клублар ёшларни совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш юзасидан самарали иш олиб бормоқда.

Шаҳар интернационал дўстлик клублари аъзолари бирдамликка бағишланган кўплаб митинг ва йиғилишлар, интернационал дўстлик кечалари ўтказишяпти. Чет эллик тенгдошлари билан актив ёзишмалар олиб боришяпти. Уларнинг изчил изланишлари туфайли Варшава, Прага, Белград, Будапешт, София озодлиги учун ўз жонини фидо қилган кўплаб жангчи туркистонликлар: Анвар Зуфаров, Саидамин Султонов, Қурбон Аҳмаджонов, Тоштемир Рустамов кабилар номини аниқладилар. Мактаб, олий ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари интернационал дўстлик клубларининг аъзолари, район клублари «Рус тилини ўрганаётган кубалик дўстларга 11 минг китоб», «Луис Корвалангa миллион табассум», «Бирдамлик», «Биз— ватанпарвар, интернационалистламиз» операцияларини ўтказишди. Тошкент ёшларининг шанбалик ва якшанбаликларда ишлаган иш ҳақларидан 180 минг сўмдан зиёдроғи ёшлар жаҳон анжуманининг фондига ўтказилди.

Ҳозирги пайтда Тошкент комсомоллари ўнинчи беш йиллик план топшириқларини бажариш учун социалистик мусобақада олдинги сафда бормоқдалар. Ўзбекистон пойтахтининг йигит-қизлари ВЛКСМ XVIII съездини муносиб нишонлаб, Ленин комсомолининг 60 йиллигини янги меҳнат ютуқлари, юксак ижтимоий активлик, аъло ўқиш билан кутиб олиш иштиёқида жўш урмоқдалар.

Ш. НУСРАТОВ,
Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари.

Делегат билан танишинг

ЯНГИ ДОВОН ОШИБ

КЕЙИНГИ йилларда Владимир Зайцев ҳаётида ажойиб парвоз бўлди. У кечаги кунни хотирлар экан ўз кўзларига ишонмайди. Қандайдир сеҳрли бир куч оддий ишчи йигитни шундай юксакликка парвоз қилдирди? У тақдирнинг бу туҳфасидан ҳайратга тушаётгандек. Бинобарин, фақат тақдирданмикин?

8-синф ўқувчилари ёз пайтида заводда ишлашга, ўзларини ишда синаб кўришга аҳд қилдилар. Албатта, бу ҳаммага ҳам маъқул келавермади. Володя Зайцевга эса трактор заводи жуда ёқиб қолди. Ўз синфдошларига анча ғалати туйилса-да у шартта кечки мактабга ўтди-да, заводда қолиб ишлай бошлади.

Йигит маҳоратни аста-секин эгаллади. Владимир Зайцев армия хизматига жўнаб кетаётганида шогирд эмас, тажрибали ишчи эди. Яна ўзимизга қайтиб кел, дейишди. Шундай бўлди ҳам. Хизматдан қайтгач 2-комсомол-ёшлар участкасига қайтиб келиб ўз дастгоҳини бошқара бошлади. Кўп ўтмай уни мастерликка кўтарилган Саша Александров ўрнига бригадир қилиб сайлашди.

Янгигина бригадир бўлганда келинглар, аралаш касбларни эгаллаймиз, деб таклиф этган эди. Бу таклиф рўёбга чиқди.

Участкада кишилар шундай жой-жойига қўйилганки, ҳамма қойил қолади. Меҳнат унумдорлигини оширишда бунинг фойдаси чакки бўлмаяпти. Бултур бригадир бошчилигида йигитлар иккита рационализаторлик таклифини жорий этишди. Бу унумдорликни оширди. Ҳозир нормадаги 55 ўрнига 80 валл тайёрланяпти. Бу йил ҳам яна иккита рационализаторлик таклифи амалга оширилади. Ўтган йили Владимирни механика-йиғув цехининг комсорги қилиб сайлашди. Яна иш кўпайди. Лекин ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш Зайцев характерига хос фазилатдир. Бригада гўё бир кишидек қаерда қийинчилик бўлса, қўллашиб юборади. Группа комсорги Яков Кричер, фрезерчи Нуриддин Насриддинов, токарь Сергей Зайцев, пайвандчи Мунира Фаршатова, хуллас барча бригада аъзолари ўз бригадирларининг оғирини енгил қилишади, ҳар қадамда қўллаб-қувватлашади. Владимир Зайцев Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига Тошкент ёшлари социалистик мусобақасининг ғолиби бўлганда ҳамма севиниб кетди. Бригадир Ленинградда шаҳарнинг кўпгина ёш илғорлари билан бирга афсонавий «Аврора» крейсерида ҳаяжонли дақиқаларни бошдан кечиришди. У ердан бир умрга етгулик суратларни хотира учун олиб келди. Зайцевнинг ВЛКСМ XVIII съезди делегати қилиб сайланганлиги ҳақидаги хабар фақат бригадани эмас, бутун цех, завод коллективини тўлқинлантириб юборди. Ўша кунларда Владимир жуда кўп истаклар ва илиқ сўзлар эшитди. КПСС XXV съезди делегати, пармаловчи А. Федюшина ва республика Компартиясининг XIX съезди делегати М. Туропов барча тракторсозлар олдида унга шундай наказ беришди: комсомол съездида ўз коллективи тўғрисида ғурур билан гапириб бериш, коллектив ишлари тўғрисида иттифоқдош республикалар вакилларига ҳикоя қилиб бериш, қадрдон заводга кўпроқ хушхабарлар олиб келиш наказини беришди.

— Мен катта акаларимдан эстафета олгандек ҳис қиляпман ўзимни,— деди кейинчалик ҳаяжонланган Зайцев.

Бригада ҳам наказ берди. Съезд ишида актив қатнашиш вазифасини топширишди. Бригадирнинг нормасини ўзлари бажариб туришга аҳд қилишди.

Йигитлар доимо аҳдга вафо қилишади. 7 апрелдаёқ бригада ВЛКСМ съезди шарафига олган мажбуриятини бажарган эди. Съезд очиладиган кунгача ярим йиллик планни адо этди. Владимирнинг ўзи эса март ойи охирида беш йилликнинг уч йили планини бажариш юзасидан олган мажбуриятини адо этди.

Йигит тақдирини ўз қўли билан яратяпти. Оддий кунларда ажойиб меҳнат биографиясини яратяпти. Тинмай янги довон ошмоқда.

Тошкент тракторсози Владимир Зайцев тўғрисида яна нима дейиш мумкин? Кейинги шаҳар конференциясида шаҳар комсомол комитетининг аъзоси қилиб сайланганиними? Ёки съезддан қайтиб келгач партия сафига киришга қизғин тайёргарлик кўриш ниятиними? Ёки мактабни муваффақиятли битириб, ҳозир машинасозлик техникумида ўқиётганини айтайликми?..

Буларнинг ҳаммаси — янги довонлар. Бу довонлардан ошиб ўтиш керак. Бу ҳақда кейинроқ ҳикоя қилинар.

Р. ТЭЛЛЬ.

ТОШКЕНТ КОМСОМОЛИ

Комсомол-ёшлар саҳифаси

• Ёшлар беш йиллик вахтасида • ВЛКСМ 60 йиллигини муносиб кутиб оламиз • Москва Тошкент вакилларини кутиб олмоқда • Комсомоллар шиори—зарбдор меҳнат!

ИШОНЧГА ЛОЙИҚ

Бу қизнинг таржимаи ҳоли жуда оддий—мактабни битириб Тошкент топография техникумига ўқишга кирди. Бу ерда Людмила Ткаченко ўз бахтини топди. Севимли касб, дўстлар, спорт машғулотлари, жамоатчилик ишлари... Люданинг ишлари жуда кўп, лекин у ҳаммасига вақт топа олади.

Л. Ткаченко техникум комсомол комитети секретарининг ўринбосаридир. Ёшларнинг етакчиси бўлиш катта масъулият юклайди. Лекин у ўз зиммасига юклатилган бу ишни муваффақиятли адо этяпти. Шунинг учун ҳам 3-курснинг аълочи студенти Людмила Ткаченкога катта ишонч билдирилди — ВЛКСМ XVIII съезди делегати қилиб сайланди.

Е. Лейтман фотоси.

КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИДАН ХАБАРЛАР

Фахрли ном берилди

Фрунзе савдо маркази Ўзбекистон пойтахти йирик савдо корхоналаридан биридир. Коллективнинг 78 проценти ёшлар, ярмидан кўпи комсомол аъзоларидир. Ёш сотувчилар харидорларга хизмат кўрсатиш маданиятини такомиллаштириб боришяпти. Планни ва социалистик мажбуриятларни бажаришда яхши натижаларга эришишяпти. Фрунзе савдо маркази коллективига Тошкентнинг йирик савдо корхоналари ўртасида биринчи бўлиб комсомол-ёшлар корхонаси номи берилди. ВЛКСМ XVIII съезди очилиш арафасида бўлиб ўтган шаҳар комсомол-ёшлар коллективлари ходимларининг активида бу коллективга «Комсомол-ёшлар магазини» эмблемаси, шу фахрий номдан гувоҳлик берувчи шаҳодатнома топширилди. Активда ВЛКСМ XVIII съезди шарафига шаҳар савдо корхоналари комсомол-ёшлар коллективлари мусобақаси якунланди.

Ёшлар коллективларида

Сўз ва иш бирлиги

«Ташсельмаш» заводининг 11-цехи комсомол-ёшлар участкаси ёш ишчилари ВЛКСМ XVIII съезди ишлаётган кунлари зарбдор меҳнат қилишга аҳд қилдилар. Бу участка республикамиз пахта хирмонларида қўлланиладиган тарозиларини тайёрлайди. Бу маҳсулот республика ташқарисида ҳам маълумдир. Яқин вақтларгача бу участка заводда қолоқлардан бири ҳисобланар эди. Саккиз ой муқаддам ёш коммунист Абдужалил Сафаров ўз илғор коллективидан бу ерга ўтиб бошчилик қилди. Ижодий ташаббускорлик, ишга сидқидилдан ёндошиш натижасида Абдужалил қисқа вақт ичида участкани илғорлар сафига етказишга катта ҳисса қўшди. Асосий эътибор қўл меҳнати талаб қиладиган ишларни механизациялаштиришга, илғор иш усулларини қўллашга қаратилди. Масалан, участкада А. Сафаров таклифи билан 20 килограммли тошларни механизациялашган усулда кўтариш имконини берадиган таклиф киритди. Бунда ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз давом этади. Натижада меҳнат унумдорлиги анча ошди, шартли равишда бир ишчини бошқа ишга ўтказиш имкони туғилди.

Сафаровнинг кейинги таклифи қоғоз қирқиш мосламасини яратиш ҳақида эди. У ҳам меҳнатни анча енгиллаштириш имконини берди. Ҳозирги пайтда А. Сафаров мастерлик қилаётган участка «Ташсельмаш» заводи комсомол-ёшлар коллективлари ўртасида пешқадам ҳисобланади. У ВЛКСМ 60 йиллиги номидаги участка ҳуқуқини олиш учун курашяпти. Коллектив йиллик планни 29 октябрда, Ленин комсомоли ташкил топган кунда бажаришга аҳд қилди. Абдужалил Сафаров ваъдага вафо қиламиз, деяпти. Уни бригадир Мурот Бурхонов ва участканинг ёш илғор ишчиларидан Раим Кенжаев ва Александр Нелюбовлар ҳам қўллашяпти.

Участка комсомолларини дўстлик жипслаштирди. Турли миллат вакиллари ҳамма вақт бир-бирларига ёрдам қўлини чўзишяпти. Улар фақат заводдагина эмас, балки ишдан бўш вақтларида ҳам бирга бўлишади. Шу кунларда комсомол XVIII съезди ишлаётган шу кунларда Абдужалил Сафаров бошчилик қилаётган коллектив план топшириғини 115 процентдан адо этишга аҳд қилди. Бригада сўз билан иш бирлигига амал қиляпти.

А. ШИШКИН.
«Ташсельмаш» заводи слесари.

БАХТИ КУЛГАН БИНОКОР

Ватанимиз пойтахти Москвада бўладиган ВЛКСМ XVIII съездида тошкентлик Александр Князев ҳам иштирок этади. У «11-Висотстрой» трестининг 75-бошқармасида комплекс бригадага раҳбарлик қилади. 27 баҳорни қаршилаган Саша қурувчилик касбида ўз бахтини топди. Баланд бўйли, гавдали бу йигитни Энгельс кўчасида қурилаётган «Узгипрокоммунинжпроект» лойиҳалаш институти биноси қурилиши объектида учратдик.

Саша 1969 йилда 74-мактабни битирмасдан илгари қурувчиликка ҳавас қиларди.

У Армия сафида йигитлик бурчини адо этиб қайтгач, бу ҳавас уни «11-Висотстрой»нинг 75-бошқармасига қурувчилик касбига чорлади. Тез орада Саша қурувчиликни пухта эгаллаб олди. Шундан сўнг уни бутун бошли бригадага раҳбар қилиб сайлашди. Унинг отаси Иван Иванович Князев 30 йилдан бери қурувчи бўлиб ишлайди.

А. Князев 1976 йилнинг январь ойида КПСС сафига қабул қилинди. У Тошкент область комсомол комитетининг аъзосидир. Ишбилармон, моҳир ташкилотчининг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир. У қурилишида қатнашаётган «Узгипрокоммунинжпроект» лойиҳалаш институти 7 қаватли бўлиб, унинг қурилиши учун 1 миллион 539 минг сўм ажратилган. Шу вақтгача 940 минг сўм ўзлаштирилди. 1978 йилнинг 1 кварталида 100 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Бригада коллективи жуда аҳил, иноқ. Электр пайвандчи Валерий Харитонов, ғишт терувчи Ҳошим Акбаров, монтажчи Марат Аминов, Венера Мухибулина, Маҳмуд Паттиевларга ҳамма ҳавас қилади. Улар коллектив фахридир.

Маҳмуд Паттиев, бетончи:

— Саша ишни яхши олиб боради, ташкилотчилик қобилияти яхши. Жамоат ишларида актив қатнашади. Хушмуомала, камтар йигит.

Қобил Мирзаев, пайвандчи, автомобиль йўллари институти кечки бўлимининг 5-курс студенти:

— Яхши ўртоқ, ҳаммани ҳурмат қилади. Биз ҳам уни ҳурмат қиламиз.

Н. Муханов, дурадгор, Тошкент политехника институти қурилиш факультети кечки бўлимининг 4-курс студенти:

— Бизнинг бригадир Александр Князев талабчан, тиришқоқ йигит, доим кўпроқ ишласам дейди.

«Меҳнатсеварлиги билан эл оғзига тушган, ёшларнинг ишончига, ҳурматига сазовор бўлган А. Князев ана шундай йигит!

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

Факт ва рақамлар

Ҳозир шаҳар комсомол ташкилоти сафларида 250 мингдан зиёд йигит-қизлар бор. Фақат ўтган йилдагина пойтахтнинг 23 мингдан зиёд ёш меҳнатчиси ВЛКСМ аъзолари сафига ўтди.

* * *

Шаҳарнинг 15 мингдан зиёд комсомол аъзолари «Самарадорлик ва сифат беш йиллигига — ёшлар ғайрати ва ижоди» ватанпарварлик ҳаракатида қатнашиб, Улуғ Октябрь 60 йиллигигача беш йилликнинг икки ва ундан зиёд йили топшириқларини бажардилар.

* * *

Тошкентнинг 436 ёш ишчиси республика илғор ишчиларининг бир беш йилликда икки беш йиллик планини бажариш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватладилар. Улар орасида Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси В. Прокопенко, заргарлик заводи комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи А. Ғаниев, Тошкент депоси машинисти Д. Данилов ва бошқа кўплаб ёшлар бор, уларнинг барчаси юксак мажбуриятларини шараф билан бажаришяпти.

* * *

Ўзбекистон пойтахтининг 14 мингдан зиёд йигит-қизлари москваликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, СССР Конституцияси бир йиллигигача беш йилликнинг уч йили планини бажаришга аҳд қилишди. Юзлаб ёш ишчилар Ленин комсомоли 60 йиллиги шарафига 29 октябргача беш йилликнинг 3,5 ва ундан кўпроқ йили топшириғини бажариш мажбуриятини олдилар.

* * *

Маҳсулот сифатини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш шаҳар комсомол комитетининг доимо диққат-марказида турибди. Тошкент комсомоли Давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган 142 буюмни оталиққа олди. 7,5 мингдан зиёд ёш ишчи шахсий тамға билан маҳсулот ишлаб чиқариш фахрий ҳуқуқини олди.

* * *

Тошкент йигит-қизлари фақат республикадагина эмас, балки мамлакатимиз зарбдор комсомол объектларида муваффақиятли ишлашяпти. Фақат 1977 йилдагина «Атоммаш» қурилиши, Москва Олимпия объектларига, РСФСРнинг ноқоратупроқ зоналарини ўзлаштиришга Бекобод металлургия комбинати қурилиш ва Тошкент метрополитенини бунёд этиш учун комсомол йўлланмаси билан Тошкентнинг 2540 ёш ишчиси жўнаб кетди.

* * *

Комсомол активи ўқишига, комсомол аъзоси бўлмаган ёшлар билан иш формаларини такомиллаштиришга мутасил эътибор берилмоқда. Бизнинг ленинчи комсомолимиз, «14 ёшлилар клуби» тўгаракларида ВЛКСМ аъзолари сафига ўтишга кўплаб ёшлар тайёрланмоқдалар. Кўпгина йирик корхона, қурилиш ва ташкилотларнинг комсомол комитетларида комсомол аъзоси бўлмаган ёшлар билан ишлаш бўйича штатсиз комиссиялар тузилди.

«ВЛКСМ сафига ўтаётиб, қасамёд қиламан...» Р. Альбеков фотоэтюди.

ЗАРБДОР ҚУРИЛИШ ЧОРЛАЙДИ

Пойтахт олий ўқув юртлари ва техникумларида 1978 йилнинг ёзги семестрида олиб бориладиган ишларнинг режаларини тузиш бошланди.

БУГУН

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИДА 1978 ЙИЛГИ МЕҲНАТ СЕМЕСТРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ШТАБ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ ВА ИШ БОШЛАДИ. Дастлабки маълумотларга қараганда институтнинг 1600 дан ортиқ студенти бунёдкорликда иштирок этади.

Ёшлар мамлакатимизнинг Олтой ўлкасида, Гагарин шаҳрида, республиканинг йирик халқ хўжалик объектларида меҳнат қиладилар. Бундан ташқари тузиладиган махсус интернационал отрядлар Польша, ГДР, Болгария мамлакатларига қурилишда қатнашгани боради. Олий ўқув юрти бўйича ҳаммаси бўлиб 5,5 миллион сўмлик ҳар хил қурилиш ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Бу 1977 йилда амалга оширилган бунёдкорликдан ярим миллион сўмлик ортиқдир.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТИДА

Бутун факультет—ҳашарга

Студентлар дам олиш кунлари ва машғулотлардан сўнг «Шаҳримиз гўзал ва кўкаламзор бўлсин» шиори остида ҳашарга чиқишади. Улар оталиқ участкаларда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш билан шуғулланадилар. Барча факультетларда шанбалик ва якшанбаликларни ўтказиш штаблари ишлаб турибди. Факультетимиз ёшлари уларда актив қатнашадилар. Мана, бир неча дам олиш кунларида «Бирлик» кинотеатри атрофидаги боғда ишлашди. Факультет студентлари кучи билан бу ерда ободонлаштириш бўйича катта ишлар олиб бориляпти. Юзлаб метр ариқлар тозаланиб, дарахт кўчатлари ўтказилди. Йигитлар университет ёнидаги оталиқдаги участкада ҳам катта ишлар олиб боришяпти. Шунинг учун ҳам кундан-кунга университет атрофи гўзаллашиб бормоқда. Айниқса ҳашарда С. Холбоев, А. Абдибоев, С. Қоратоев, С. Рябина Д. Норменглиев, У. Омонова ва бошқа кўплаб комсомол аъзолари намуна бўлмоқдалар.

Н. АЛИЕВ,
В. И. Ленин номидаги ТошДУ романгерман филологияси факультети комсомол ташкилотининг секретари.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. КАБИРОВ: Шаҳримизда республикамизнинг амалий санъат намуналари билан танишиш имконини берадиган бирорта маданият даргоҳи борми?

Жавоб: Худди ана шундай маданият даргоҳи шаҳримизнинг Шпильков кўчасидаги 15-уйда жойлашган. У Ўзбекистон ССР амалий санъат музейи деб аталади. Унинг кўпгина залларидан нодир санъат буюмлари ўрин олган. Мис ўймакорлиги, керамика, зардўзлик, гиламдўзлик, заргарлик зийнатлари намойиш қилинади.

Музейнинг нодир экспонатлари мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларида кўчма кўргазмаларда қизиқиш билан намойиш этилган.

* * *

А. ХОЛМУРОДОВ: Тошкентда ажойиб модалар уйи бор деб эшитдим. Унинг чеварлари ижод қилган кийимлар корхоналарда ҳам тикиб чиқариладими?

Жавоб: Республикамиз шаҳарларида жойлашган йигирмадан ортиқ тикувчилик корхонаси ана шу модалар уйининг тайёрлаган чизмалари асосида маҳсулот ишлаб чиқаради. Тошкентдаги тикувчилик, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли, «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмалари, Қўқон, Наманган ва бошқа шаҳарлардаги корхоналар шулар жумласидандир. Уларнинг кўпгина маҳсулотларига Давлат Сифат белгиси берилган. Модалар уйининг мутахассислари ҳар йили юзлаб моделда либосларнинг янги намуналарини тайёрлашади. Унинг мутахассислари ишлаб чиққан миллий кийим-кечаклар кўпгина халқаро ва Бутуниттифоқ кўргазмаларида намойиш қилинган.

* * *

К. ТОШКЕНТБОЕВА: Шаҳримизда эски латта-путталарни қабул қилиб оладиган тайёрлов пункти борми?

Жавоб: Бундай пунктлар ҳар бир районда жойлашган. Масалан: Чилонзор массивидаги Қатортол кўчасида жойлашган 20-кварталдаги қабул пунктига мурожаат этиш мумкин. Унга 6 ва 11-троллейбуслар билан борилади.

* * *

Ю. АҲМАДЖОНОВ: Мамлакатимизда биринчи қўриқхона қаерда ташкил топган?

Жавоб: Мамлакатимизнинг тўнғич қўриқхонаси Астраханда жойлашган. У 1919 йилда ташкил этилган ва Волга дарёсининг кўрфазини қамраб олган. Бу қўриқхонанинг асосий вазифаси нодир паррандалар ва балиқларни муҳофаза қилишдан иборат. 1930 йилда ташкил этилган Печора-Ильинский қўриқхонаси территориясининг кенглиги билан мамлакатимизда йирик ҳисобланади. Унинг майдони 714 минг гектардан иборат. У Шимолий Уралдаги Печора дарёсининг бошланишида жойлашган.

КЎЧА ТАСОДИФЛАРГА ТЎЛА

ГАИ АХБОРОТИ

«Мен Чилонзор ва Муқимий кўчалари чорраҳасида турган эдим. Автобусга чиқиш учун Чилонзор кўчасини кесиб ўтишимга тўғри келди. Шу пайт светофорнинг қандай чироғи ёниб турганини кўрмадим. Тўхтаб турган юк машинаси орқасидан югуриб кўчани кесиб ўта бошладим. Шунда бир нарса келиб менга қаттиқ урилди, кейин нима бўлганини билмайман...» ГАЗ—24 маркали 83—31 ТНЖ автомобилининг ҳайдовчиси Санджон Юсупов қоидани бузган пиёдани уриб юборгандан кейин, «такси» машинасини тўхтатди ва уни касалхонага жўнатди. Чет тиллар педагогика институтининг 5-курс студенти Абдурашид Искажонов боши ёрилган ҳолда тез медицина ёрдами касалхонасига ётқизилди.

Республика илмий-техника кутубхонасининг китоблар фонди йил сайин бойиб бормоқда. Кутубхона социалистик мамлакатлардан ва бошқа чет эл мамлакатларидан фан ва техниканинг ютуқларига доир кўпгина адабиётларни олиб туради.

СУРАТДА: кутубхона қошидаги чет эл илмий-техника адабиёти бўлимининг бошлиғи Л. Попова ва кутубхоначи Я. Шамес янги келган китобларни системалаштирмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

• Санъатимиз жонкуярлари

У СЕВГАН ОБРАЗ

1959 йили Гулистон район колхоз-совхоз театрида Абдулла Қаҳҳорнинг «Шоҳи сўзана» спектакли саҳналаштирилганда режиссёр Неъмат Дўстхўжаев Деҳқонбой ролига театрнинг ёш музика раҳбари Жаҳонгир Ёқуббековни танлади. Шунда кўпгина кишилар каттагина актёрлик тажрибасига эга бўлган санъаткорлар турганида, ҳали бир марта ҳам саҳнада роль ўйнамаган ёш йигитга етакчи роль берилганлигидан таажжубланишганди. Лекин бу иш жуда ўйлаб қилинганди. Жаҳонгир ролни қойиллатиб ўйнади. Унинг илгари пайқалмаган актёрлик қобилияти ярқ этиб кўзга ташланди. Уни Мирзачўлда кишилар ўз исми билан эмас, Деҳқонбой деб атайдиган бўлишди.

Янгийўл районининг Эркин қишлоғида туғилиб ўсган Жаҳонгир санъатга ёшликдан ҳавас қўйди. Бу ҳавасни сезган мактаб музика ўқитувчиси Тўйчи ака Сулаймонов ундаги талант куртагининг барқ уришига қўлидан келганича кўмаклашди. Жаҳонгир шу устозининг даъвати билан Ҳамза номидаги музика билим юртига ўқишга кирди. Мактабда ғижжак чалишни, дутор чертишни ўрганди. Чанг билан илк бор билим юртида танишиб, уни астойдил севиб қолди. Дастлабки кунларданоқ чангчи созандалар тайёрланадиган группада таълим ола бошлади. Ниҳоят, машҳур чангчи Аҳмаджон Одилов мактабини аъло баҳолар билан тугатди.

Ўшанда 1953 йил эди. Партия ва ҳукумат кун тартибига Мирзачўл ерларини ўзлаштиришни қўяётганди. Жаҳонгир бу буюк ишга ўз санъати билан ҳисса қўшишга аҳд қилди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг йўлланмаси билан Мирзачўлга бориб, шу ердаги колхоз-совхоз театрида музика раҳбари бўлиб ишлай бошлади.

Профессионал созанда Мирзачўлда актёрликни ўзига иккинчи касб қилиб олди. Бунда унга тинмай ўқиб-ўрганиши, санъатнинг барча турлари учун умумий бўлган қонун-қоидаларни пухта билиши қўл келди. «Шоҳи сўзана»даги Деҳқонбой ролида ўйнаб томошабинларнинг меҳр-муҳаббатини қозонгач, чўлқуварлар уни «Олтин кўл»даги Турсунали, «Тоҳир ва Зуҳра»даги Тоҳир, «Юрак сирлари»даги Бахтиёр, «Майсаранинг иши»даги Чўпонали, «Бой ила хизматчи»даги Ғофур, «Икки бойга бир малай»даги Флоридо каби қатор ролларда кўришди.

1968 йилдан Жаҳонгир Ёқуббеков Гулистон шаҳрида янги ташкил этилган халқ театрида режиссёрлик қила бошлади. У халқнинг дид ва талабларига мос келадиган, томошабинларга юксак эстетик завқ бағишлайдиган спектакллар ва концерт программалари тайёрлади. Унинг раҳбарлигида «Нурхон», «Ўзи бошқа-ю, сўзи бошқа», «Парвона», «Ёшликда берган кўнгил» каби спектакллар саҳналаштирилди.

Бу пайтда Жаҳонгир ака Сирдарё шаҳрида янги ташкил этилган «Ёшлик» ашула ва рақс ансамблига ҳам бадиий раҳбарлик қила бошлади. Шу ансамбль Бутуниттифоқ Халқ Хўжалиги Ютуқлари виставкасида бўлиб, Москва шаҳар меҳнаткашларига концертлар берди. Ансамбль виставканинг бронза медалига сазовор бўлди. Ҳозир Сирдарёдаги «Ёшлик» ашула ва рақс ансамбли Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати деган шарафли номга эга.

1970 йилдан бери Жаҳонгир ака Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг йўлланмаси билан келиб, Чилонзор район 5-маданият уйига бадиий раҳбарлик қилиб, ёшларга санъат сирларини ўргатяпти.

Маълумки, санъаткорнинг вазифаси парда ёпилиши билан тугамайди, у ҳаётда ҳам гўзаллик тарқатувчи ва тарғиб этувчи бўлиши лозим. 5-маданият уйида 50 нафардан ортиқ хонанда, созанда, раққосалар ва қўғирчоқ театри бор. Жаҳонгир ака бу шогирдларига санъат сирлари билан бирга, муомала маданиятини, каттакичикка ҳурматда бўлишни ўргатяпти, уларга чинакам совет ёшларига хос фазилатларни сингдиряпти.

Жаҳонгир аканинг меҳнатларини партия ва ҳукуматимиз юқори баҳолади. У биринчи даражали чангчи ва биринчи даражали актёр мандатларига, «СССР маданият аълочиси» нишонига эга. 1968 йилда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвонини берди.

А. ЭГАМНАЗАРОВ.

• Маданият янгилиги

Комсомол ҳаёти куйланади

Пойтахт шаҳар Маданият уйи қошидаги халқ театрининг ҳаваскор-санъаткорлари комсомолнинг шонли 60 йиллик тўйига қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

БУГУН

халқ театри санъаткорлари Кашшоф Амировнинг «Суд олдидан» деган драмасини саҳналаштиришга киришишди. Етти кўриниш, уч пардали бу асарда бир комсомолнинг мураккаб тақдири, яратувчилик қудрати куйланади. Суд ва милиция ходимларининг оғир ва шарафли ишлари қаламга олинади.

Полковник ролида заргарлик заводининг мастери Ҳусан Икромов, лейтенант Осиё ролида 1-мактаб ўқувчиси Маъмура Ризаева, Розия ролида Савдо техникуми ўқитувчиси Манзура Каримова ўйнамоқда.

Асарни театрнинг бош режиссёри Ш. Умаров саҳналаштирмоқда.

Саломатлик ҳақида суҳбатлар

ШИФОКОР ҚАБУЛИДА

Баҳорда қўзғаладиган ҳасталик

«Ҳурматли редакция! Мен бир неча йиллардан буён ревматизм касаллиги билан оғрийман. Айниқса у баҳор кезларида хуруж қилади. Илтимос, шу касаллик ҳақида, унинг даволаниш йўллари тўғрисида врач маслаҳатини берсангиз.

Р. КАРИМОВ,
ишчи.

◆

XIX асрда Ж. Буйо ва Г. Сокольский деган олимлар биринчи марта бир-бирларидан бехабар равишда ревматизм (бод) касаллигининг клиник белгиларини аниқладилар.

Баъзан ревматизм бошланишидан олдин одам ангина билан оғрийди. Бодомсимон безлар, касалланган тишлар, қулоқ ва бурун бўшлиқларида яллиғланиш жараёнлари инфекция манбаи ҳисобланади. Шу ердан бактерия токсинлари қон йўлига ўтиши мумкин. Организм реактивлигининг ошиши ва шу инфекцияга мойил бўлиб қолиши натижасида ревматизм пайдо бўлади. Равматизм касалига чалиниш аксари баҳор ва куз ойларида кўпроқ юз беради. Шунинг учун ҳам бу дарднинг олдини олиш чоралари одатда баҳорда ва кузда ўтказилади.

Ревматизмга қарши иммунитет ишланиб чиқмайди, шу сабабли организм ревматизмнинг қайталанишига, унинг янги «хуружига» таъсирчан бўлади. Хроник танзиллит, ангина, грипп, шунингдек, нам иқлим, зах уй ва захкаш ерлар ревматизмнинг пайдо бўлишига ва такрорий хуружларга сабаб бўлиши мумкин.

Ангина, грипп ва бошқа касалликлар билан оғригандан кейин орадан 10—15 кун ўтгач, баъзан тўсатдан бемор бўғимларида, тизза ёки болдирида, товонида, елка, тирсак, чаноқ-болдир бўғимида қаттиқ оғриқ пайдо бўлади. Бирдан температура кўтарилади, зарарланган бўғим атрофидаги тери қизаради, ушлаб кўрилганда қўлга иссиқ унайди, шиш пайдо бўлади. Шунингдек аста-секин бошқа бўғимлар ҳам зарарланади. Оғриқнинг бир аъзодан иккинчи аъзога кўчиб юриши унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Кўп бўғимлар зарарланганда бемор қимирламай ётиб қолади, озгина бўлса ҳам қимирлаш чидаб бўлмас даражада азоб беради. Касаллик тер аралаш кечади.

Ревматизм ўз вақтида даволанса бўғимлардаги оғриқ йўқолади, температура асли ҳолига келади ва бўғимларнинг ўз фаолияти бутунлай тикланади.

Француз олими Э. Ш. Ласег «Ревматизм бўғимларни ялайди-ку, аммо юракни тишлайди» деган эди.

Ревматизмга чалинганларда деярли юрак зарарланади, камдан-кам ҳолларда эса тери, буйраклар, қон зарарланади ва ҳоказо. Ревматизмнинг теридаги аломати аксари эшакеми ва ҳалқасимон тошмалардан иборатдир. Бу тошмалар асосан болалик ва ўсмирлик даврларидаёқ кузатилади.

Қорин пардасининг зарарланиши қаттиқ оғриқ билан кечсада, марказий асаб системасининг, жумладан мия пардасининг зарарланиши ревматизмнинг шу хилда кам учрайдиган аломатлари жумласига киради. Баъзан ўпка, жигар ва ревматизм билан зарарланиши мумкин.

Касалликнинг хуружи тутганга ўхшаб кечиши ревматизм учун хосдир, хуружлар ўртасидаги давр бир неча ойдан тортиб, кўп йилларга қадар давом этади. Ревматизм хуружи болаларда катталардагига қараганда анча оғир кечади.

Баъзан ревматизм хуружи суст кечади. Лаборатория ёрдамида қон таркибининг ўзгаришига қараб ва шунга ўхшаш белгиларга қараб диагноз қўйиш мумкин бўлади.

Ревматик хуружлар ҳар турли кечади. Беморлар кўпинча юракда нохушлик, санчиқ, беҳоллик, иш қобилиятининг пасайганидан шикоят қиладилар. Субфебриль температура (37—37,2 даража) қайд қилинади, баъзан тана ҳарорати нормадан паст бўлади, бу эса диагноз қўйишда муҳим аҳамиятга эга.

Ревматизмда одатда, юрак мускули — миокард зарарланади. Миокарднинг бағрида ревматик тугунчалар кўпаяди, юракнинг бириктирувчи тўқимаси шишади, юрак мускулини қон билан таъминлайдиган қон томирларининг фаолияти ўзгаради. Юрак мускулларининг ревматик яллиғланиши, яъни ревматик миокардит худди шу хилда кечади.

Кўпинча миокард билан бир вақтда юрак ички пардаси ва клапанлар яллиғланади. Буни ревматик эндокардит деб аталади. Баъзи ҳолларда юракнинг ташқи пардаси ҳам яллиғланади, уни ревматик перикардит деб аташади.

Ревматик жараён юрак клапанларини зарарлаганда юз берган склеротик ўзгаришлар оқибатида бириктирувчи тўқима митрал тешикни торайтириб қўяди. Организм учун зарур бўлган кислородга бой қон чап юрак бўлмасидан чап қоринчага. у ердан эса орган тўқималарга керакли миқдорда етиб боролмайди. Қон ана шу торайиб қолган жойнинг юқорисида тўпланиб, ўпкани тўлдиради, аста-секин ҳансираш, оёқ шишиши ва ҳоказолар юз беради.

Бундай ҳолат аорта клапанлари нуқсонида учрайди, бунда аорта юракнинг чап қоринчасидан бошланадиган катта қон томири клапанлари чор қоринчани бутунлай беркита олмайди ва артерия — қизил қон томиридан ўтадиган қон аорта орқали кислородга муҳтож бўлган тўқималар ва органларга ўтиш ўрнига чап қоринчага қайтади.

Бундай юрак пороклари одамларни майиб қилиб қўяди. Ҳатто юракда ўтказилган операция ҳам ҳамма вақт яхши натижа беравермайди. Шуни унутмаслик керакки, операцияни юрак порокларининг ҳамма турларида ҳам қўллаб бўлмайди.

Шунинг учун, ревматизмнинг келиб чиқиш сабабларини ўз вақтида аниқлаш катта аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак. Касалликнинг дастлабки давриданоқ даво чораларини кўриш лозим. Бу ҳақда врачлар маслаҳати билан иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

Бемор тўла сифатли, оқсилларга бой бўлган овқатларни: гўшт, тухум, творог истеъмол қилиши керак. Суюқлик ва шўр нарсаларни камроқ истеъмол қилган яхши. Овқат янги ҳамда тез ҳазм бўладиган С витаминлар сероб бўлиши керак. Бу витамин наъматак, анор, лимон, смородина ва шу сингари меваларда кўп бўлади.

Ревматизм хуружини бошидан кечирган беморлар доимо врач назоратида бўлишлари керак. Амидопирин, аспирин ва бициллин сингари медиаментлар воситасида баҳор ва куз ойларида профилактика қилиш яхши наф беради.

Ревматизмга чалинган беморлар ҳар қандай нерв-психик кечинмаларга таъсирчан бўладилар. Шу сабабли санитария-оқартув тадбирларини ўтказишда асабни сақлаш масалаларини ҳам тушунтириб бориш керак. Беморлар ўзларини беҳуда ҳис-ҳаяжонлардан сақлашлари лозим.

Кийим ва пойафзални мавсумга мослаб кийиш керак. Шунда одам иссиқлаб ҳам кетмайди, совқотмайди ҳам. Стрептококкли инфекция юқишининг олдини олишга қаратилган эпидемияга қарши чора-тадбир кўришни ҳам унутмаслик керак

Ревматизмга қарши дастлабки профилактика ўтказишда организмни чиниқтириш катта аҳамиятга эга.

Чиниқишга киришишдан олдин врач билан маслаҳатлашиш лозим.

Саломатликни мустаҳкамлаш ва организмнинг ҳимоя кучларини ошириш учун чиниқиш зарурлигини билиш муҳим аҳамиятга эга. Дастлабки пайтларда одам эринмасдан ҳар куни ҳўл сочиқ билан баданни артиб туриш керак, кейинчалик бу одат бўлиб қолади. Чиниқиш билан йил бўйи шуғулланиш керак.

Носир ҚОСИМОВ,
медицина фанлари кандидати.

СЕМИРИШ ҲАҚИДА

«Ҳурматли редакция! Мен жуда озғинман, семириш учун нима қилиш керак, шу ҳақда маълумот берсангиз»,— деб ёзибди оқшомхон Ҳ. Азизова. Газетхоннинг бу саволига медицина фанлари кандидати, врач-эндокринолог Раъно Муротовна ҲОШИМОВА қуйидагича жавоб беради:

◆

— Семиришни истаган одам одатда яхши ва сифатли овқатланиши, тинч-хотиржам бўлиши, кўпроқ дам олиши, меҳнатни тўғри ташкил этиши, кун тартибини тўғри уюштириши керак. Шунингдек, кечаси тиниқиб, яхши ухлаши лозим.

Шифокорлар беморларни даволашда уларнинг озиб кетиш сабабларини аниқлашади. Озиб кетиш ҳар хил сабабларга боғлиқ бўлиши мумкин. Бу сабаблар чуқур текширишлар натижасида аниқланади ва шунга қараб даволанади. Семиришни истаган кишилар бизнинг институтимизга — Ўлка медицина институтига (Максим Горький проспектида жойлашган) келиб тегишли маслаҳатлар олишлари мумкин. Биз уларнинг сиҳат-саломатликларини текшириб, шифо топишларига ёрдам берамиз.

СУРАГАН ЭКАНСИЗ...

ГАЗЕТХОН САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Ж. МАМАТКАРИМОВА: Менинг ўғлим диатез касаллигига чалинган. Уни қаерда даволатишим мумкин? Шу ҳақда бирор маслаҳат берсангиз.

Жавоб: Бу тўғрида республикада хизмат кўрсатган врач, болалар шифокори Илёс Фозиловга мурожаат этдик. Шифокорнинг фикрича, диатез касаллигига чалинган болалар Ўзбекистон педиатрия илмий-текшириш институтида ёки Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-текшириш институтининг болалар касалликлари бўлимида даволанади.

* * *

Р. БАХАУТДИНОВА: Руҳий касаллик натижасида иккинчи группага чиқарилган инвалидлар қандай солиқлардан озод этиладн?

Жавоб: Руҳий касалликка чалинган беморлар ўз вақтида даволанишлари ва доимо врач назоратида бўлишлари керак. Даволанаётган вақтда уларга касаллик варақаси учун ҳақ тўланади. Бироқ, улар умумий солиқлардан озод этилмайди.

* * *

Г. ИБРОҲИМОВА: Менинг укам дудуқланиб гапиради. Шаҳримизда шундай хасталикни даволайдиган шифохона борми?

Жавоб: Бундай шифохона шаҳримизда бор. Булар Сарикул кўчасига жойлашган республика руҳий касалликлар диспансери ва Муқимий кўчасидаги шаҳар руҳий касалликлар диспансеридир. Бу ерда малакали врачлар беморни текшириб кўриб, унинг шифо топишига фойдали маслаҳатлар беришади.

* * *

О. ХОЛМИРЗАЕВА: Менинг ўн ойлик ўғлим кўп терлайди ва кўп шамоллайди. Болани тўғри парвариш қилиш ва даволатиш учун қаердан фойдали маслаҳат олишим мумкин?

Жавоб: Бунинг учун сиз ўғлингизни Ўзбекистон педиатрия илмий-текшириш институти касалхонасига олиб бориб фойдали маслаҳат олишингиз мумкин. Улар болангизни кўриб шифо топишда ёрдам беришади.

Мазкур институт 2-Қорақамиш массивидаги Мухбир кўчасига жойлашган бўлиб, у ерга Ҳадрадан 76, 38-автобуслар ҳамда 27-трамвай қатнайди.

Ю. АХРОРОВ
тайёрлаган.

Октябрь районидаги 22-поликлиника шифокорлари аҳолига медицина ёрдами кўрсатишни яхшилашга қаратилган қатор иборатли тадбирларни амалга оширишмоқда. Юқоридаги суратда сиз ана шу поликлиникада 24 йилдан бери участка ҳамшираси бўлиб ишлаётган Насиба Ҳасанхонован кўриб турибсиз.

И. Шоиноғомов фотоси.

Меҳнаткашлар хизматида

Ўтган жума куни Чилонзордаги 24-поликлиника коллективи поликлиника ташкил этилган куннинг йигирма йиллигини нишонлади. Дастлабки йилларда ушбу даволаш муассасаси Дўмбиробод, Қатортол, Қозиробод ва бошқа маҳаллаларда истиқомат қилувчи 28 минг аҳолига хизмат кўрсатар эди. Ўшанда бешта амбулатория бўлиб, болалар ва аёллар консультацияси бўлимлари мавжуд эди. 1968 йилга келиб, районда яна учта поликлиника ташкил этилди.

Ҳозир 24-поликлиникада жами 220 киши, 46 нафар тажрибали шифокор меҳнат қилади. СССР Соғлиқни сақлаш аълочилари И. Самандаров, Х. Комилов, Г. Лазарук, Т. Хегай, М. Веребцова, Ш. Мингеров ва бошқалар шулар жумласидандир. Коллективга Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Валихон Ғаниевич Тожихонов бошчилик қилмоқда.

Бу ерда илғор тажриба мактаби ташкил этилган. Унда шаҳар медицина ходимларигина эмас, балки республикамиз областларидан келган шифокорлар ҳам медицинанинг сўнгги ютуқлари билан танишишади.

Поликлиника шифокорлари инсон саломатлиги йўлида тинмай меҳнат қилиб, ҳар куни минга яқин ҳамшаҳарларимизнинг дардига шифо топишяпти.

Саломатликни қидиряпсизми?

(ШАРҚ ҲИКМАТИ)

◆

Саломатликни сақлаш учун тадбир:

— Майда-чуйда нарсаларни фожиа ҳолига қўйманг. Кула-кула кетаверинг.

— Бир одам билан тортишиб, енгилдингизми? Кула-кула кетаверинг.

— Сизни алдаб, ҳақингизга ҳиёнат қилдиларми? Кула-кула ҳиёнатларини фош қилишга киришинг.

— Ишингиз орқага кета бошладими? Ғайрат, матонатни қўлдан бермай, кула-кула ишингизнинг олға кетишига ҳаракат қилинг.

— Саломатликни қидиряпсизми? Саломатликни қаҳ-қаҳ уриб кулишдан топасиз.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

НАЗОРАТ ПОСТИ

• Объектларни муддатида ишга туширайлик

Ноаниқлик ва камчиликлар

Ўтган йили «Главташкентстрой»нинг 4-қурилиш трести муҳим объектлардан бири — химия ва пахта целлюлозаси илмий-тадқиқот институтининг экспериментал заводи қурилишини тугаллай олмади. Қурилиш-монтаж ишлари плани 41 процент бажарилди. Буюртмачи институт ҳамма айбни қурувчиларга тўнкаб, объектга ишчи кучи етарли ажратилмади, иш графиклари муттасил барбод қилинди, демоқда. Бош пудратчи буюртмачи ўз вақтида жиҳозлар етказиб бермади, техника воситалари белгиланган муддатларда ўзгартирилмади, лойиҳалардаги камчиликларга архитекторлар томонидан барҳам берилмади, шу сабабли қурилиш битмади, деди.

Бу йил тажриба заводи қурилишини ишга тушириш масаласи қурувчиларнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Чунки октябрь ойида назарий ва амалий химия Халқаро Союзи ва Совет ҳукуматининг қарорига кўра Тошкентда макромолекуляр химия бўйича Халқаро симпозиум очилади. Симпозиумга қадар объект ишга туширилиши керак. Шу сабабли ҳам шаҳар партия ташкилоти қурилишни ўз назоратига олган.

Тўртинчи қурилиш трести бош инженерининг ўринбосари В. Петров бу ҳақда шундай дейди:

— Биз буюртмачи ва ёрдамчи пудратчилар билан келишиб, объектни ишга тушириш учун тадбирлар комплексини ишлаб чиқдик. Унга амал қилишга ҳаракат қиляпмиз. Ҳар куни объектда юздан зиёд қурувчи ишлаяпти. Биринчи квартал охиригача химикатлар омбори ва учинчи корпус қурилишини битказмоқчи эдик. Бироқ ҳали буюртмачи билан ҳал этилиши лозим бўлган масалалар кўп.

Мана, бир ярим ойдан бери қурилишда «Средазспецавтоматика» трестига қарашли ихтисослаштирилган ишга тушириш-созлаш ва монтаж бошқармасининг ишчилари контроль-ҳисоблаш асбоблари ва автоматика ускуналарини ўрнатиша олмаяпти. Объектда лойиҳадаги ноаниқликлар ва камчиликлар туфайли бу жиҳозларни қайси корпусга, қандай ўрнатишни қурувчиларга кўрсатиб берадиган мутахассис топилмаяпти. Буюртмачининг ўзи Москва шаҳридаги «ВНИИВ» лойиҳа институти билан алоқа боғлаб, бу ишни аниқлаши керак эди. Аммо институт капитал қурилиш бўлимининг инженери А. Дубових ва бошқарма катта инженери В. Поспелов ёрдамчи пудратчи ташкилот лойиҳа институтига юқоридаги масала бўйича ахборотнома ёзиши керакми ёки йўқми деган масалани ҳал этиш учун бир ярим ой бош қотиришди. Ниҳоят москвалик мутахассислар етиб келгач кўпчиликни қийнаган масала ҳал этилди. Лекин юқоридаги ишни бажариш учун жиҳозлар етишмаяпти.

Контроль-ҳисоблаш ва автоматика ускуналарини ўрнатишнинг чўзилиши учинчи корпусда бошқа ишларни бажаришга имкон бермаяпти. Корпусга лойиҳа бўйича мамлакатимизда тайёрланган кондиционер ўрнига 1976 йилда чет элда тайёрланган кондиционер келтирилган. Буюртмачи бундан ўн беш йил муқаддам яратилган учинчи корпус лойиҳасига ўзгартириш киритиши керак эди. «Промвентиляция» трести эса объектда ўзгартирилмаган лойиҳа бўйича мамлакатимизда ишлаб чиқарилган кондиционерларга мослаб қувур ўтказган.

Институт коллективи объектни тезроқ ишга туширилишидан манфаатдор бўла туриб, ўз ишларига совуққонлик билан қараяпти. Шунинг учун электриклар март ойининг охиридагина автоматика жиҳозларига ишлатиладиган 40 та электр кнопкалари билан таъминланадиган бўлди. Лекин буюртмачининг ваъдасига ишониш қийин. Чунки кнопкалар базада ҳам йўқ.

Институт бош инженери К. Исмоилов кнопка ўрнатиш майда иш, уни кейин ўрнатса ҳам бўлади, деяпти. Ахир шу «майда» ишлар бажарилмаса, объектни фойдаланишга топшириб бўлмайди-ку?! Аниқланишича, объектда бундай «майда-чуйда»лар кўп экан. «Энергомонтаж» прораби С. Притулло бир ойдан бери монтажчиларига зангламайдиган деталлар етказиб берилмаганидан шикоят қиляпти.

Ёрдамчи пудратчилар айби билан 3-корпус қурилиши ҳам белгиланган вақтда ишга туширилмаслиги мумкин. Қурилишни термоизоляциялаш трести объектдаги барча ишларни 2 мартга қадар тугаллаши керак эди. Трест вакили И. Лапин 15 мартдагина К. Исмоиловнинг олдига лойиҳадаги айрим масалаларни келишиб олиш ва ишни бошлаш учун келди.

Иккинчи корпус ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлиб, у ерга мураккаб технологик жиҳозлар ўрнатиш кўзда тутилган. Корпусни фойдаланишга топшириш эса учинчи кварталга белгиланган. 4-қурилиш трестининг 18-қурилиш бошқармаси объектни август ойида фойдаланишга топшириш бўйича зиммасига социалистик мажбурият олган. Ишлар жадал кетмоқда. Аммо участка прораби П. Петровнинг фикрича «Промвентиляция» трести объектга кам ишчи кучи ажратяпти.

Бу корпусда ҳам ноаниқлик ва камчиликлар кўп. Лойиҳа ҳужжатлари эскириб қолган. Буюртмачи тезда камчиликларнинг олдини олиши лозим.

Механика устахонаси қурилишига ҳам тўхталмоқчимиз. Бу ерда «Главташкентстрой»нинг Саноат корхоналари бошқармаси металл конструкциялар етказиб бермаганлиги учун қурилиш ишлари оқсаяпти.

Халқаро симпозиумнинг очилишига саноқли ойлар қолди. Шаҳримизга жаҳоннинг турли мамлакатларидан таниқли олимлар ташриф буюришади. Қурувчи ва буюртмачилар ҳамкорликда ишлаб, халқаро анжуманга қадар пахта целлюлозаси экспериментал заводи қурилишини битказишлари лозим. Чунки, янги завод лабораторияларида ўзбек олимлари чет эллик ҳамкасбларига маҳаллий хом-ашёдан олинаётган янгидан-янги маҳсулотларини, қўлга киритган ютуқларини намойиш этишлари керак!

В. ЛАПИНА,
А. НИЕЗОВ.

Абу ТОҲИРХОЖА

САМАРИЯ

САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ

1844—1848 йиллар ўртасида ёзилган бу асарда Шарқнинг энг кўҳна ва йирик шаҳарларидан бўлган Самарқанднинг бунёд этилиши, унинг Самарқанд деб аталишининг сабаблари, шаҳарнинг қадимдан сақланиб қолган осори-атиқалари, бу шаҳарда ўтган машҳур кишиларнинг ҳаётидан баҳс юритилади.

Асар 1921 йили Абдулмўмин Сатторий (1902—1925) томонидан тожикчадан ўзбек тилига таржима қилиниб, атоқли адиб ва олим Садриддин Айний унга айрим тузатишлар киритиб, сўзбоши ҳамда зарур изоҳлар қўшиб, нашрга тайёрлаган эди. Б. Аҳмедов, А. Жувонмардиев ва М. Хўжаева ўртоқлар 1969 йили Сатторий ва Айний қўлёзмасини «Самария»нинг бир қанча нусхалари асосида тўлатиб, қайтадан нашрга тайёрладилар.

Биз қуйида «Самария»дан 1—2-ҳамда 8-бобларини эълон қиляпмиз.

1. БУ ШАҲАРНИНГ САМАРҚАНД АТАЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Самарқанд шаҳрининг «Самарқанд» аталиши тўғрисида бир неча сабаб айтганлар:

Биринчи сабаб: «Бурхони котеъ» китобида нақл қилинганки, Самар исмлик бир киши бу ерда жойлашган ва ўз теварагига халқни тўплаган эди. Шунинг учун бу ер бошда «Самаркент» («Самарнинг, кенти») аталди. Араб қўшини бу ерни олгач (712 йили), ўз тилларига ўзгартириб «Самарқанд» дедилар.

Иккинчи сабаб: «Масолик ул-мамолик» номли китобда (Абу Исҳоқ ал-Форисий ал-Истахрийнинг асари. У 850—934 йилларда ўтган) нақл қилинганки, Самар Боқир исмлик бир хон Фарғона томонларидан келиб, бу вилоят халқига душманлик қилиб, шаҳарнинг деворларини қозиб бузган эди. Шунинг учун бу шаҳар «Самар қанд» («Самар қозди») бўлган... Араб қўшини бу шаҳарни олгандан кейин «Самарқанд» атадилар.

Учинчи сабаб: «Тарихи Табарий» китобида (838—923 йилларда ўтган тарихчи ат-Табарийнинг асари) келтирилишича, Самар исмлик бир хон бу шаҳарни бино қилдирган ва энг аввал бу ерда «қанд» деган турк уруғи ўрнашган. Шунинг учун бу шаҳар дастлаб «Самарқанд» («Самар бино қилган ва қанд уруғи жойлашган шаҳар» аталди). Араб қўшини бу шаҳарни олгандан кейин уни «Самарқанд» дедилар.

Тўртинчи сабаб: ушбу шаҳарнинг бир жойида Самар исмлик шахс тарафидан қазилган бир булоқ бўлган. Халқ ўша булоқ атрофига йиғилиб, ўрнашган эди. Шу сабабдан ўша жойнинг номи «Самарқанд» «Самар қазиган булоқ») деб шуҳрат топди. Араблар келгач, «Самарқанд» деб атадилар.

Бешинчи сабаб: «Ҳафт иқлим» китобида (Амин Аҳмад Розий томонидан 1594 йили ёзилган жуғрофий асар) айтилганки, Яман подшоларидан Самар исмлик бир шахс ушбу шаҳарнинг деворларини бузган. Шунинг учун у дастлаб «Самарқанд» («Самар буздирган») деб аталган, араблар келгандан кейин эса «Самарқанд» дедилар.

2. БУ ШАҲАР ҚАЛЪАСИ АВВАЛ КИМ ТАРАФИДАН СОЛИНГАНИ ТЎҒРИСИДА

«Осор ул—билод» китобида (Зикриё ибн Муҳаммад Казвиний томонидан 1275 йили ёзилган асар) нақл қилинишича, Самарқанд қалъасини дастлаб Кайқубод ўғли Кайковус солдирган. Бу шаҳарнинг биринчи иморати Кайковусдандир. Айтадиларки, Гиршосиб шу ердан ўтаётганда бирмунча олтин топди. Шу олтинларни ушбу қалъанинг иморатига сарфлади ва иккинчи марта Туркистон билан Мовароуннаҳр орасида девор тортди. Лекин тўғри ривоят шулки, бу деворни Луҳросиб ўғли Куштосиб тортган.

Самарқанд қалъасининг иккинчи иморати Малик Туббаъдандир. Малик Туббаъ Яман ва Арабистон подшоларидан бўлиб, ушбу шаҳарни босиб олган эди.

Учинчи иморати подшо Искандардан (Искандар Зулқарнайндандир). Подшо Искандар Самарқанд қалъасининг атрофига бир девор қурдиким, уни ҳозир Девори қиёмат дейдилар. Шоҳ Искандар шунинг учун қурдирганки, токи фитна ва уруш вақтларида унинг теварагидаги халқ ичкарига йиғилиб ва шаҳар аҳолиси билан биргалашиб, юртни қўриқласин ва ўз тинчликларини ҳимоя қилсин. Баъзи вақтларда халқ тарафидан Искандар девори ичида боғ ва ҳовли жойлар солиниб обод қилинган.

Самарқанд қалъасининг тўртинчи иморати Амир Темур кўрагон томонидан қурилган.

Нақл қиладиларки, Фаридун (қадимий Пешдодийлар сулоласидан олтинчи ҳукмдор) ўз мамлакатини уч ўғлига бўлиб берганда Ҳиндистонни—Салимга, Туронни—Турга, Эронни—Иражга топшириб, Тур билан Ираж юртларининг орасида ҳозирда Амударё аталган Жайҳун дарёсини чегара деб белгилади. Тур учун пойтахт бўлгудек бир қалъа солиб бермоқчи бўлиб, муносиб ўрин излаб юрганда Самарқанд шаҳри бўлган ерда девор изи ва қалъа асари кўзига ташланиб, унинг тепасига янги девор қурдирди. Турк Афросиёб Иражнинг ўғли Минучеҳрни енгиб, Турон юртини қўлга киргизганда, ўша Турнинг пойтахти бўлган ўринни иморат қилиб, ўша ерда ўрнашди.

Самарқанд қалъаси Ҳорис ўғли Самар томонидан қилинган, деб ҳам баъзи тарих китобларда ёзилгандир.

* * *

8 УШБУ ШАҲАРНИНГ МАСЖИДЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мирзо Улуғбек ибн Мирзо Шоҳруҳ мадрасаси ва жомий масжиди. Улуғбек Темурнинг набираси, Шоҳруҳ Мирзонинг тўнғич ўғлидир. 796 ҳижрий якшанба куни жумодил аввал ойининг 19 куни (мелодий 1394 йил 23 мартда) туғилган. Шоҳруҳ Мирзо отаси Амир Темур кўрагоннинг ўлимидан беш йил кейин Ҳиротдан Самарқандга келиб, Мироншоҳнинг ўғли ўз биродарзодаси Султон Халилни Самарқанд тахтидан тушириб ўз ўғли Улуғбекни тахтга ўтқазди. Улуғбек ҳукмронлигидан 16 йил кейин ҳижрий 823 (мелодий 420) йилда ушбу мадрасани солдирди... Ушбу буюк мадраса икки қаватли бўлиб, ҳар бир равоқда бир ҳужрада талабадан икки киши турар экан. Самарқандни бузиш чоғларида ўзбек хонларидан бири подшолик ўрдасига сарқуб (қалъа ичидагиларни тупга тутиш учун қуриладиган баланд тепалик) бўлмасин, деб устки қаватини буздирган. Ҳозирда у бир қаватликдир. Мадрасанинг иморати битгандан кейин Улуғбек мирзо у ерда Қозизода Румийни мударрисликка белгилади. Баъзи вақт ўзи ҳам дарс бериш билан машғул бўларди.

Мадраса солингандан тўрт йил кейин (1428 йили) Улуғбек, Қозизода Румий, мавлоно Ғиёсуддин Жамшид, мавлоно Муъинуддин Коший, мавлоно Салоҳиддин Мусо билан Кўҳак пуштасининг этагида, Оби раҳмат ариғининг ёқасида расадхона биносини қуришга киришди. Расадхонанинг атрофида катта-катта ҳужралар қурди. Расадхонанинг этагида гўзал чорбоғ ва чиннихона (деворлари чиннидан ишланган кўшк) ясатиб, кўп вақт ўша ерда турар эди. Аллома Али Қўшчининг кенгаши билан расадхона битказилди. Улуғбек Мирзо ҳижрий 841 (мелодий 1437) йилдан бошлаб мунажжимлар орасида эътиборли бир китоб саналган «Зичи кўрагоний»ни ёзди.

Улуғбек мирзонинг икки ўғли бор эди. Биринчиси мирзо Абдуллатиф, иккинчиси мирзо Абдулазиз эди. Абдуллатиф 853 йил рамазон ойининг саккизинчисида (мелодий 1449 йил 25 октябрда) ўз отаси Улуғбекни ўлдирди. У 57 йил умр кўрди. Абдулазизни отасидан икки кун илгари ўлдирган эди. Бундан олти ой кейин Абдуллатиф мирзони боғи чинордан шаҳар сари келаётганда, Улуғбекнинг одамларидан Бобо Ҳасан деган киши отиб ўлдирди. Унинг бошини Улуғбек мадрасасининг пештоқига осдилар... Мана бу байт Улуғбек Мирзоникидир:

Эй он ки мулки ҳусн ба зири негини тўст.
Шўх макун ки чашми бадон дар камини тўст.

Яъни:

Эй ҳусн мулки сенинг муҳринг остида бўлган,
Шўхлик қилма, чунки ёмонларнинг кўзлари сени пойлаб турибди.

Б. АҲМЕДОВ,
тарих фанлари доктори.

• *СПОРТ*

«Олимпиада-80» ўйинларининг рамзий тирик вакили бўлган айиқча яқинда футбол бўйича олимпиада турнири ўтказиладиган Минск шаҳрида бўлди. Айиқчани самолётдан тушуши билан шаҳар жамоатчилиги кутиб олди. У олимпиада ўйинлари ўтказиладиган майдонларни бориб кўрди. Минскнинг «Динамо» командаси футболчилари машқ ўтказаётган базада бўлиб, дарвозабон Михаил Вергиенконинг ўрнида дарвозани ҳимоя қилди. Тирик олимпиада тумори кейин сузиш ҳавзасида чўмилди. Бу ерда бўлажак олимпиадачилар машқ ўтказишаётган эди.

Айиқ ўргатувчи Эльвина Подчерникова айиқчани ҳар хил қийин ва мураккаб машқларни бажаришга ўргатмоқда. Унинг мақсади олимпиада ўйинлари ўтказилаётган пайтда томошабинларни қизиқарли томошалар билан хушнуд қилишдир.

Суратда: мусобақалар шоҳсупасига кўтарилган айиқча ўзини худди олимпиада чемпионидек ҳис қилмоқда.

Ю. ИВАНОВ фотоси.

◆ ҚУЙИ ФИЗКУЛЬТУРА КОЛЛЕКТИВЛАРИДА

ЙЎЛ ЧОРЛАЙДИ

Светлана Ситинанинг Тошкент трактор заводидаги велосипед спорти билан шуғулланувчиларга тренерлик қилаётганига анча бўлди. Ситинанинг иши самарасини у тренерлик қилаётган спортчилар эришаётган натижалар мисолида билиб олиш мумкин. Бу аёл тренерлик қила бошлагандан буён корхонада бир спорт мастери, 6 спорт мастерлигига кандидат ва 12 биринчи разрядли спортчи тайёрланди. Корхона велосипедчиларининг шаҳар, республика мусобақаларида эришаётган натижалари салмоғи йилдан-йилга ошиб боряпти.

Эрта тонг. Равон кўча бўйлаб бир неча велосипедчи шаҳардан ташқарига чиқиб боряпти. Улар бир-бирларини қувиб, олдинда кетаётган «Жигули» машинасидан ҳам ўтиб кетишди. Ҳайдовчи ҳайрон бўлганидан машина спидометрига қаради. 80 километр. Наҳотки, икки ғилдиракли техника воситасида ҳам ана шундай катта тезликда ҳаракат қилиш мумкин бўлса...

— Бўш келма, яна тезликни ошир,— аёл кишининг жарангдор овози эшитилди шу пайт. Бу ёш велосипедчиларнинг тренери Светлана. У ўз шахсий намунаси билан шогирдларини ўзига етиб олишга чорламоқда.

Велосипедчилар одатда машқ қилиш учун шаҳардан ташқарига йўл олишади. Об-ҳаво қандай бўлишидан қатъий назар машқни давом эттиришади. Бундай қатъийликни улар устозлари Светлана Ситинадан ўрганишган. У ҳамиша спортчиларнинг олдида бўлади.

Ҳар қандай иш натижаси йирик мусобақаларда аниқланади. Ўтган йили машинасозлик ходимлари область касаба союзлари советининг спартакиадасида қатнашган завод велосипедчилари биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Республика биринчилигида эса улар фахрли учинчи ўринни эгалладилар.

Шунинг учун ҳам завод спортчилари ўз устозларини ҳурмат қилишади. Чунки у ёш спортчиларнинг қувонч ва ташвишларини, орзу ва ўйларини яхши билади. Ҳамиша ёшларни олис йўлларга, юксак марраларга томон чорлайди.

ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

МАҲСУЛОТНИНГ ЯНГИ ХИЛИ

Шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли Киров районидаги галантерея-тўқув фабрикаси икки хил янги маҳсулотни тайёрлай бошлади. Улар сунъий чармдан ишланган қўл соат тасмачаси ва ҳамёндир. Бундан ташқари болалар учун калта пайпоқ тўқиш ҳам ўзлаштирилди.

Корхонада бу янгиликлардан шу йилнинг ўзида 150 минг дона тайёрланади.

Ҳозирги пайтда бу ерда 34 хил маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Беш йилликнинг уч йиллик топшириғини СССР Конституцияси кунигача бажаришга аҳд қилган фабрика коллективи шу йил 3 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ниятида.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ҲАМ СУВДА, ҲАМ ҚУРУҚЛИКДА

Украинадаги Луцк автомобиль заводи ишлаб чиқараётган «Луаз-967 М» машинаси автомобиль моторли қайиқ ва трактор бўлиб хизмат қила олади. У йўлсиз районларда жуда қўл келади, геологлар ва ўрмончиларга, қўриқхона ходимлари ва овчиларга, тошқин вақтида қутқарувчиларга, лойгарчиликда врачларга жуда яхши хизмат қилиши мумкин.

Автомобилнинг корпуси герметик ва сув ўтказмайдиган қилиб ишланганлигидан унча-мунча сувдан бемалол кечиб ўтиб кета олади. Чуқурончи ғилдиракларнинг ўзи «эшкак» бўлиб хизмат қилади. Ғилдиракларнинг ҳаммаси етакчи қилиб ишланганлигидан машина қор босган ер ёки ботқоқ ерларда ҳам яхши юраверади. Ўрмонзорда юришда ишлатиладиган мосламаси ажойиб ишланган. Дарахтларнинг пастлаб кетган шохлари халақит бермаслиги учун олд ойнаси капот устига тушириб қўйилиши, ҳайдовчи ўриндиғининг суянчиғи эса орқага туширилиши мумкин. Шунда автомобилнинг бўйи анча пастлашади ва уни ярим ётиб олган ҳолда бошқарса бўлаверади.

Автомобиль юкларни тортиш, ярим чўккан дарахтларни шатакка олиш учун лебёдка билан таъминланган.

(ТАСС).

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

---

*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*РЕКЛАМА*

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА— 25/IV да **Жизель**, 26/IV да **Майсаранинг иши**, 27/IV да **Майсаранинг иши** (билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IV да **Парвона**, 26/IV да **Инқилоб тонги**, 27/IV да **Саҳро тор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/IV да **Гулбаҳор қани?** 27/IV да **Она қизим.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/IV да **Беш кунлик куёв**, 26/IV да **Тўй муборак қари қиз**, 27/IV да **Тинмасин** соз.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — МОСКВА ДАВЛАТ МУЗ УСТИДА ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (19.30).

КИНО

25 АПРЕЛДА

Ҳаётга ташналик — «НУКУС» (кечқурун), «ДРУЖБА» (17, 20.00), «ЧАЙКА» (18.30, 20.45).

Қирқ ёшли эркак муҳаббати — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Запас аэродром — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» номли (кечқурун), «МОСКВА» (18, 20.00).

Яшашга кафолат бераман — «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда).

Транссибирь экспресси — «МИР» (кечқурун).

26 АПРЕЛДА

Ҳаётга ташналик — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (11, 14, 17, 20.00), «ЧАЙКА» (11, 14, 16.15, 18.30, 20.45).

Запас аэродром — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Яшашга кафолат бераман — «ТИНЧЛИК» (тоқ соатларда).

Тентак Иванушканинг мўъжиза излагани — «МОСКВА» (жуфт соатларда).

Транссибирь экспресси— «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

БОТАНИКА БОҒИ

лаборатория мудири, ботаника ихтисоси бўйича катта илмий ходим ва кичик илмий ходимлар (2 ўрин)

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРИГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурс муддати — 8 майгача.

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Ж. Обидова кўчаси, 272-уй. Телефон 35-08-01.

Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 МАЙ СОАТ 13.00 ВА 16.00 ДА

СЕВИМЛИ ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ИШТИРОКИДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

ХОНАНДАЛАР:

Шерали ЖЎРАЕВ, Алижон ҲАСАНОВ, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Фотима БАРАТОВА, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА;

РАҚҚОСАЛАР:

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ҚАРИМА УЗОҚОВА

Райҳон АБДУЛЛАЕВА, Раҳима РИХСИЕВА;

Оригинал жанрда— Саттор ИСЛОМОВ.

Интермедия ва юморда — Шерқўзи ҒОЗИЕВ ва Абдуфаттоҳ САЙДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари— Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТЎХТАСИНОВ.

Программани — Мавжуда ХОЛДОРОВА олиб боради.

Филармониянинг бадиий раҳбари— Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотларининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

Билетлар концерт зали кассасида соат 14.00 дан, шанба ва якшанба кунлари соат 10.00 дан сотилади.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1978—79 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ КАСБЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: ёритиш, ёритгич ва кучланиш тармоқлари ҳамда электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчилар, тақсимот қурилмалари бўйича электромонтажчилар, радио-телевизион аппаратураларга хизмат курсатиш ва тузатиш бўйича радиомеханиклар, автоматика ва контроль ўлчов асбобларини тузатиш бўйича слесарлар, киномеханиклар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—2 ЙИЛ.

Билим юртига 8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги, йигит-қизлар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

МАШҒУЛОТЛАР —ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юртига— 8-синф ҳажмида маълумот билан кирган ўқувчилар кунига 3 маҳал бепул овқат, ва кийим-бош билан; ўрта маълумот билан кирганлар эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ўқувчилар иш ҳақининг 33 процентини оладилар. Билим юрти қошида кечки ўрта мактаб ишлайди.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар ёритиш, ёритгич ва кучланиш тармоқлари ҳамда электр асбоб-ускуналари бўйича электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирганларида ҳар ойда 76 сўмдан стипендия оладилар. Улар учун ўқиш муддати қисқартирилган (ўрта маълумотлилар 7 ярим ой, саккизинчи синф ҳажмида маълумотлилар 10 ярим ой ўқийдилар).

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатган ёшлар эса ўрта ва олий ўқув юртларига ўз билимини оширишга юбориладилар.

Билим юртида яхши спорт базаси, ҳар хил техника ижоди тўгараклари, фототўгарак ҳамда вокаль эстрада ансамбли бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилр: ариза, таржимаи ҳоли, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, паспорт, медицина справкаси, ҳарбий билет (ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома), турар жойидан справка, 3х4 см, ҳажмида 6 дона фотосурат.

Аризалар ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

МАШҒУЛОТЛАР— ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар Фрунзе райони, «Ивановалик тўқимачилар» кўчаси, 8-уй (33, 34, 18, 45, 54, 58, 66, 70, 80-автобуслар, 7, 9, 11, 14, 21, 24, 28-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

«УЗТРАНСЭКСПЕДИЦИЯ» БОШҚАРМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

„СЕРВИС“ АГЕНТЛИГИ

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ АЭРОФЛОТ ВА УЗОҚҚА ҚАТНОВЧИ АВТОБУСЛАРНИНГ ҲАММА РЕЙСЛАРИГА БИЛЕТЛАРНИ БРОНЛАШТИРИШ, СОТИШ ВА ТАЛАБ ЭТИЛГАН ЕРГА ЭЛТИБ БЕРИШ УЧУН ОЛДИНДАН ЗАКАЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ, ШУНИНГДЕК, РЕЙСГА

ТАКСИ БУЮРАДИ

Телефонлар: 62-63-45, 66-30-19, 77-00-20, 44-36-75, 46-77-53, 46-77-54, 62-75-28.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ, РЕСПУБЛИКАМИЗ ВА МАМЛАКАТИМИЗ ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ШАҲАРЛАРИДАГИ

МЕҲМОНХОНАЛАРДА ЖОЙ БРОНЛАШТИРАДИ

Телефон 33-75-93 — Урицкий кўчаси, 82-уй.

ТУРИСТИК ПУТЕВКАЛАР ЗАКАЗ ҚИЛАДИ:

(телефон 66-03-53)

АРМАНИСТОН ВА ГРУЗИЯ БЎЙЛАБ 23 апрелдан 20 кунга. Баҳоси — 110 сўм.

КАВКАЗ МИНЕРАЛ СУВЛАРИ КУРОРТЛАРИ БЎЙЛАБ 29 апрелдан 18 кунга. Баҳоси — 100 сўм.

БОЛТИҚ БЎЙИДАН БЕЛОРУССИЯГА 27 апрелдан 16 кунга. Баҳоси — 125 сўм.

ЛЕНИНГРАДГА 24 майдан 6 кунга. Баҳоси — 28 сўм.

ЛОСЕВ ТУРБАЗАСИГА (Ленинград яқинида) 13 ва 23 майдан 10 кунга. Баҳоси — 45 сўм.

ГРУЗИЯ БЎЙЛАБ 18 майдан 20 кунга. Баҳоси — 125 сўм.

ШИМОЛИЙ КАВКАЗ КУРОРТЛАРИ БЎЙЛАБ 28 майдан 20 кунга. Баҳоси — 85 сўм.

«МОЛОДОГВАРДЕЙСКИЙ» (Ворошиловград, Краснодон, Жданов) 27 майдан 20 кунга. Баҳоси — 120 сўм.

ҚРИМ БЎЙЛАБ 5 майдан 20 кунга. Баҳоси — 83 сўм.

ДОҒИСТОН БЎЙЛАБ 29 майдан 20 кунга. Баҳоси — 90 сўм.

ҲАРБИЙ-ГРУЗИН ЙЎЛИ БЎЙЛАБ 24 майдан 20 кунга. Баҳоси—94 сўм.

ПОДДУБСК ТУРБАЗАСИ (Ленинград яқинида) 2, 4, 12, 14, 24 июндан 10 кунга. Баҳоси— 60 сўм.

Тўлиқ маълумотни қуйидаги адресдан олиш мумкин: Тошкент шаҳар, Луначарский шоссе, 50-уй (1-автобуснинг «ЦСУ» бекати). Телефон: 66-03-53.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ҚИРОВ РАЙОН КОРХОНАЛАРИГА —

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:

токарлар, фрезерчилар; слесарлар, автокарра ҳайдовчилари, штамповкачилар, силлиқловчилар, қирқувчилар, қолипловчилар, қалайловчилар, қуйилмани тозаловчилар, инженер технологлар, конструкторлар, диспетчерлар,

Ёлғиз кишиларга ётоқхоналардан жой берилади.

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА:

моддий ва ҳисобот бўлимларининг катта бухгалтерлари ва бухгалтерлар.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КОРХОНАЛАРИГА

павильон ва очиқ ҳавода суратга олувчи фотографлар, фотолаборантлар, фоторетушерлар, асл нусха бўйича буюртма қабул қилувчилар.

РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА:

радиотехниклар, машинисткалар, бўёқчилар, ғишт терувчилар, дурадгорлар, сувоқчилар, тунукасозлар.

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА:

машинистлар, слесарь-қувур ётқизувчилар; йўл ишчилари, газ-электр пайвандловчилар.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона — Аҳолини ишга жойлаштириш бўйича марказий пункт.

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

26 АПРЕЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Вақт» информацион программаси. 10.05 «Горнчилар, қардасиз!». 10.35 «Ленин истиқболига». Бадиий фильм. 12.20 «Киносаёҳатчилар клуби». 15.05 Ҳужжатли фильмлар программаси. 16.00 «Шахмат мактаби». 16.30 «Пўлат қандай тобланди». Н. Островский. 17.20 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Москва)— Ҳарбий-Денгиз флотининг Марказий спорт клуби. Киевдан олиб кўрсатилади.

17.50 «Халқ оҳанглари». 18.00 «Ўн тўртдан ўн саккизгача». Ленинграддан олиб кўрсатилади. 18.30 Янгиликлар. 18.45 Р. Бардзамашвили раҳбарлигидаги вокал-чолғу ансамблининг концерти. 19.00 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари билан учрашув». 19.30 «ВЛКСМ XVIII съезди делегатлари ва меҳмонлари учун концерт. Кремлнинг Съездлар саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган. 21.30 «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР— АҚШ терма командалари. Прагадан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтларида— «Спортлото» тиражи. Янгиликлар.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Физика ва илмий-техника революцияси». Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 «Сенинг орденларинг, комсомол». Телевизион ҳужжатли фильм. 3-серия. 12.25 «Физика ва илмий-техника революцияси». Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 12.55 «Сенинг орденларинг, комсомол» Телевизион ҳужжатли фильм. 4-серия. 17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 70-йиллар комсомолларимиз» (рус.). 18.20 «Миллионлар ленинча университети». «Маҳсулот сифатини яхшилаш— ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омили». 18.35 Духовой чолғу асбоблари ансамбли чалади. 19.15 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.30 Хоразм область Боғот районидаги Наримонов номли колхоз «Қалдирғоч» ашула ва рақс халқ ансамбли ижро этади. 20.10 «Ахборот» информацион программаси. 20.30 «Дўстлик экрани». «Номларимиз қаҳрамонлар орасида». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги кўрсатуви. 21.30 Москва. «Вақт» информацион программаси. «ВЛКСМ XVIII съездида». 22.00 «Пахтакорлар байрамолди вахтасида». 22.15 «Биринчи комсомол қиз». Бадиий фильм. 23.20 Кўрсатувлар программаси.

Тошкент шаҳри ва Тошкент области учун программа ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.55 Кўрсатувлар программаси. 19.00 Болалар учун фильм. «Тим лақабли машҳур ўрдакча». 19.30 «Тошкент» телепрограммаси. «Шаҳарликлар дастурхонига». 20.00 «Фақат вальс янграйди». Концерт. 20.30 Тошкент янгиликлари. 21.00 «Мамлакатимиз кишилари». Ҳужжатли фильмлар программаси. «Мария Попова», «Академик Ян Страдинь», «Бирюковлар фамилияси».

«Матбуот» Тошкент Полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босмахонаси коллективи босмахона директори Т. О. Обидовга онаси **Хотима КАРИМОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ГСП, Тошкент, Ленин проспекти, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83, қурилиш 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат— 32-56-81; ахборот — 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85, хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Р— 00324. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри, ИНДЕКС 64579. Нашр Д—1295.